



УДК: 28-725 М-092

Gulnozaxon ALIJONOVA,
O‘zbekiston xalqaro islom akademiyasi tayanch doktoranti
E-mail: gulnozaalijonova002@gmail.com

O‘zXIA t.f.d., dotsenti Mahsudov D.R. taqrizi asosida

MODERN WESTERN RESEARCH IN THE XIX-XX CENTURIES IN THE FRAMEWORK OF “KUTUBI SITTA”

Abstract

In the East, the focus has always been on science. especially in the Middle Ages, the development of religious and Islamic sciences reached a new high. The Eastern Renaissance of the XII also affected the Western world. As a result, in the XVI and XVII centuries, science flourished in the West and educational institutions expanded. But in the West, this height has gone beyond the secular sciences. However, Western scholars have also shown interest in the cultural and ethnic characteristics of the East. As a result, orientalist and theologians emerged. These scholars had a strong interest in the Qur’an from the Islamic sciences. In the XIX and XX centuries, however, the need to interpret the Qur’an and understand it led to the study of hadiths. The article analyzes the research carried out in the framework of the Kutubi Sitta, the most authoritative source in the field of hadith. The ideas of Western orientalist in the field of hadith have also been revealed from a scientific point of view.

Key words: Barthemely d’Herbelot, William Muir, Ignas Goldziher, Nicholson Reynold Allen, Alois Spranger, christianity, islam, civilization, sunan, canonization.

СОВРЕМЕННЫЕ ЗАПАДНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ XIX-XX ВЕКОВ В РАМКАХ “КУТУБИ СИТТА”

Аннотация

На Востоке в центре внимания всегда была наука. особенно в средние века развитие религиозных и исламских наук достигло новой высоты. Восточное Возрождение XII века затронуло и западный мир. В результате в XVI и XVII веках на Западе процветала наука и расширялись образовательные учреждения. Но на Западе эта высота вышла за пределы светских наук. Однако западные ученые также проявляли интерес к культурным и этническим особенностям Востока. В результате появились востоковеды и богословы. Эти ученые проявляли большой интерес к Корану со стороны исламских наук. Однако в XIX и XX веках необходимость толкования Корана и его понимания привела к изучению хадисов. В статье анализируются исследования, проведенные в рамках Кутуби Ситты, самого авторитетного источника в области хадисов. Идеи западных востоковедов в области хадисоведения также были раскрыты с научной точки зрения.

Ключевые слова: Бартемели д’Хэрбело, Уильям Мюир, Игнас Гольдзиher, Николсон Рейнольд Аллен, Алоис Шпрангер, христианство, ислам, цивилизация, сунан, канонизация.

“KUTUBI SITTA” DOIRASIDA XIX-XX ASRLARDA AMALGA OSHIRILGAN ZAMONAVIY G‘ARB TADQIQOTLARI

Annotatsiya

Sharqda hamisha ilmga bo‘lgan e‘tibor yuqori bo‘lgan. ayniqsa, o‘rta asrlarda diniy va islomiy ilmlari rivoji yuqori pallaga ko‘tarildi. XII asrda yuz bergan sharq uyg‘onish renessansi g‘arb olamiga ham ta‘sir etmasdan qolmadi. Natijada g‘arbdagi XVI-XVII asrlarda ilm-fan yuksak darajada rivojlandi va ta‘lim dargohlari ham kengaydi. Ammo g‘arbdagi bu yuksaklik ko‘proq dunyoviy fanlar doirasida kechdi. Ammo, g‘arb olimlari tomonidan sharqning madaniy va etnik xususiyatlariga qiziqish ham paydo bo‘lgan. Natijada sharqshunos va dinshunos olimlar yetishib chiqdi. Ushbu olimlar islom ilmlaridan Qu‘roni karimga bo‘lgan e‘tibori kuchli bo‘lgan. XIX-XX asrga kelib esa Qur‘oni Karimni sharhlashga va tushunishgan bo‘lgan ehtiyoj hadislarni tadqiq etishga olib keldi. Maqolada hadis sohasining eng mo‘tabar manbasi hisoblangan “Kutubi sitta” doirasida aamalg oshirilgan tadqiqotlar tahlil qilingan. Shuningdek, g‘arb sharqshunoslarining hadis ilmi doirasidagi g‘oyalari ilmiy nuqtai nazardan ochib berilgan.

Kalit so‘zlar: Barthemely d’Herbelot, Villiam Muir, Ignas Goldziher, Nikolson Reynold Allen, Alois Sprenger, yahudiylilik, kristianlik, islom, sivilizatsiya, sunan, canonizatsiya.

Kirish. Islom ilmlari ichida hadis ilmi alohida ahamiyatga egadir. Hijriy asrning dastlabki yillarida hadislar aniq bir ilm sifatida keng yoyilmagan. Chunki, dastlabki saodat asrlarida Qur‘oni karimni asl holda saqlab qolishga bo‘lgan e‘tibor katta edi. Ammo, Rasululloh (a.s.) vafotlaridan ko‘p o‘tmay hadis kitoblari yozila boshlandi. Bu ishga Muhammad (a.s.) tarafidan “Alloh nomiga qasamki, mana shu og‘izdan haqiqatdan boshqa narsa chiqmaydi”[1], - deyilgan so‘z sabab bo‘lgan. Shunday qilib, hadislar mavzularga bo‘lib tartiblash, roviy va rivoyatlarning ishonchlilik darajasini belgilash, jarh va ta‘dillarni aniqlash jarayonida hadis ilmi fan sifatida shakllandi. Shu tarzda, hadislar bilan shug‘ullanuvchilar muhaddislar deb atala boshlandi. Olti ishonchli to‘plam paydo bo‘lgan III/IX asr hadis ilmining “oltin davr”i deb e‘tirof etildi. “Kutubi sitta” – muhaddislar tomonidan jamlangan eng ishonchli to‘plam

sifatida shuhrat qozondi. Ularga Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy (vaf. 256/870) va Abu Husayn ibn Hajjoj ibn Muslim al-Kushayriylarning (vaf. 261/875) “Sahih”lari, Abu Dovud Sulaymon ibn al-Ash‘os as-Sijistoniy (vaf. 275/889), Ahmad ibn Ali ibn Shuayb an-Naso‘iy (vaf. 303/915), Abu Iso at-Termiziy (vaf. 279/892), Muhammad ibn Yazid ibn Mojjalarning (vaf. 273/886) “Sunan” kitoblari kiradi. “Kutubi sitta” asarlari o‘z ichiga Qur‘oni karim oyatlari, biografik ma‘lumotlar, aqidaviy, fiqhiiy, ijtimoiy, axloqiy, iqtisodiy, maishiy masalalarga bag‘ishlangan hadislarni qamrab olgan. III/IX asrdan XIV/XXI asrgacha olti ishonchli to‘plamlarga sharhlar yozilib olimlar tomonidan tadqiqotlar olib borilgan. Ushbu tadqiqotlar islom tarixi, islom ilmlari, Markaziy Osiyo xalqlari tarixi, muhaddislar faoliyatini o‘rganish, manbalarni tadqiq qilishda ilmiy izlanishlar olib boruvchilar uchun muhim ahamiyat kasb etadi.

- **Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili.** G'arbda "Kutubi sitta" to'plamining o'rganilishi o'ziga xos tarzda kechgan. Qur'oni karimning xorijiy tillarga tarjima qilinishi hadislarni yanada chuqurroq tadqiq etishga undadi. Sababi, G'arbda, hadis ilmi va sunnatga hamisha "skeptik" qarash mavjud bo'lgan.

Hadislarga nisbatan chuqur ilmiy yondashuvning mavud emasligini, ular haqida yozilgan kitoblarning ozligi bilan izohlash mumkin. Qur'oni karim ustida olib borilgan tadqiqotlarning ko'lami ortishi bilan XIX asrdan boshlab hadis sohasida keng ilmiy izlanishlar olib borildi.

G'arbda ilk bor hadis ilmi va "Kutubi sitta"ga oid tadqiqotlar Muhammad (a.s.) shaxsiyatini hamda hayotini tadqiq etishga bag'ishlangan asarlardan boshlangan. Birinchi bo'lib, Muhammad (a.s.) va uning hadislari haqida asar yozgan olim Barthemely d'Herbelotdir. Uning "Bibliothèque orientale"[2] (Sharq tajimai hollari) asari XVII asrda yozilgan islom tarixiga oid kitobdir. Barthemely d'Herbelot o'z asarini sharq qo'lyozmalarini Parij kutubxonasiga olib kelib mana shu qo'lyozmalar asosida lug'at tarzida yozadi. Bu kitobda sharq mintaqasidagi mahshur shaxslar, islom ilmlari va ilm dargohlari haqidagi ma'lumotlarni jamlagan.

- **Tadqiqot metodologiyasi.** G'arbda XVIII asrdagi hadis ilmi, sanad va matnlar, muhaddislar hollari, va "Kutubi sitta"ga oid ma'lumotlar William Muirning "The life of Mohamet"[3] va Yulius Vellgauzenning "Muhammad in Medina"[4] kitoblarida keltirilgan.

Alois Sprejnerning "The Life of Mohammad from Original sources"[5] nomli asari shubhali manbalarga tayanilgan holda yozilgan sababli ilmiy nuqtai nazardan mukammal emas. Sprejnerning islom dini zamon yaratgan bir ta'limot sifatida ko'rishligi islom payg'ambarini va u shakllangan tarixiy jarayonlarni tanqid qilishiga olib kelgan. Uning fikricha, islom mantiqan to'g'ri chiziq bo'ylab doimiy rivojlanishning natijasidir. Shuning bilan birga islom, yahudiylilik, xristianlik va arab ijtimoiy hayotining natijasidir. Islomning o'zi sivilizatsiya yarata olmaydi aksincha sivilizatsiyalar islomni yaratgan kabi xuloslari ko'p tanqidlarga sabab bo'lgan. Sprejner islomni shakllanish jarayonini tarixiy pozitivistik mentalitet, ratsionallik va sababiylik tamoyillari asosida baholashga harakat qilgan. Bundan tashqari, u hadis ilmining tarixiy ishonchligi bilan ham qiziqadi va Sprejner hijriy V asrdan buyon hadis manbalari ya'ni "Kutubi sitta" to'plamiga nafaqat islomshunoslar balki har qanday soha mualliflari tomonidan tanqid qilinmaganligi sababli ishonish mumkinligini ta'kidlaydi. Biroq, hadislardan ba'zilar bir-biriga zid ekanligiga asoslanib, ularga mutlaq ishonish mumkin emas degan fikrni ham bildiradi[5]. Sprejnerning islom dini va hadis ilmgaga nisbatan bildirgan salbiy fikrlari u yashab turgan davrning mafkuraviy quroli sifatida baholanishi mumkin.

- **Tahlil va natijalar.** Ignas Goldziher (1850-1921) ham o'zining ilmiy faoliyati davomida "Kutubi-sitta" bilan bog'liq masalalarni yoritgan. XX asrda hadis ilmi va ushbu kulliyotga nisbatan bildirilgan fikrlar qatorida uning ham mulohazalarini keltirish o'rinlidir.

U tomonidan qalamga olingan "Muxammedanische Studien" nomli ikki jildlik asarining ikkinchi jildi hadis ilmiga bag'ishlangan.

Goldziherning "Sunan"lar haqidagi mulohazasiga ko'ra: "Hijriy II asrda yozilgan va shug'ullanilgan soxalarga qaraydigan bo'lsak, biz bu davrda ko'proq huquqning turli xil yo'nalishlariga doir tadqiqotlar bilan mashg'ul bo'linganligini ko'ramiz. Bu shaklda yozilgan kitoblar sof hadis ilmi bilan shug'ullanish uchun yetarli emas edi[6]. O'z navbatida bu davrda yozilgan huquqiy mavzularni o'z ichiga olgan kitoblarga ham "Sunan" nomi berilgan. Bundan tashqari, Goldziher Imom Molikning "Muvatto" sini ilk hadis majmuasi sifatida qabul qilmagan. U Islom olamida ilk talif qilingan kitob sifatida Buxoriyning "Sahih" ini e'tirof etgan". Goldziher

"Kutubi-sitta"ning Islom olamidagi o'rnini ko'rsatish maqsadida quyidagi mulohazalarni qayd etadi: "Huquqiy qonun musannafoti mualliflari tomonidan qimmatli deb baholangan va o'z mezonlariga ko'ra tanlangan hadislar va minglab hikmatli so'zlar uzoq safar-larning natijasida muhaddislarining o'zlari tomonidan to'plangandir. Birgina Buxoriyning o'zi butun islom olamidagi mingga yaqin shayx bilan uchrashib, ulardan hadis tinglagan.

Keyinchalik u barcha roviylarning sihatini tekshirgan va yaxshisini yomonidan ajratishga majbur bo'lgan. Hadis adabiyotidagi boshqa muhaddislar ham huddi mana shu holatni boshdan o'tkazganlar"[6]. Goldziher bir tarafdan Buxoriy va boshqa mualliflarning hadis ilmi borasidagi g'ayrati va benazir tadqiqotlaridan baxs etarkan, boshqa tomondan hadis adabiyotining ishonchligini shubha ostiga oladi: "Hazrati payg'ambarga yoki sahobalarga to'g'ri va ishonchli nisbat bera oladigan asarni topish imkonsizdir. Shuning uchun payg'ambar va sahobalar haqidagi ma'lumotlarni tahlil qilishda ilk hijriy III asrdagi hadisga doir adabiyotlardan foydalanishimiz shart. Chunki mazhablar o'rtasidagi qarama-qarshiliklar, turfa hil farqlar, avlodlar o'rtasidagi tafovutlar bizni shunga undaydi"[6]. Ko'rinib turibdiki, Goldziherning "Kutubi-sitta" majmuasi haqidagi so'zlari uning yuqorida aytgan so'zlariga tamoman ziddir. Nega deganda u bir tomondan muhaddislarining hadis uchun g'ayrat bilan amalga oshirgan ishlarini, roviylarni sinchkovlik bilan tekshirganini qayd etadi biroq ular tomonidan yaratilgan kitoblarning ishonchlik darajasiga shubha bilan qaraydi. Shu bilan birga Goldziher "Kutubi-sitta" kitoblari nima sababdan ishonchga loyiq emasligi borasida biror bir isbot taqdim qilmaydi. Albatta XX asrda "Kutubi-sitta"ning bunday tanqidga uchrashi hayron qolarli holat, biroq afsuslanarli bu tanqidlarning biror bir tayinli ilmiy asosga ega emasligidir.

Yana bir g'arblik sharqshunos olim Nikolov Reynold Allen (1868-1945) o'zining "A literary history of the arabs" kitobida "Kutubi-sitta" haqida ilmiy mulohazalar bildirgan. Jumladan u: "Ular (muhaddislar) eshitgan narsalarini qog'ozga tushirgan va ularni kitoblar holiga keltirib ommaga taqdim etgan. Bu asarlar tartibining go'zalligi, uslubining nafisligi bilan odatda ensiklopediyalarni eslatadi. Bu kitoblar olimlarning ensiklopedik harakterga ega bo'lgan kitoblari-dir"[7] deya "Kutubi sitta" to'plamini mukammalligi, ma'lumotlarning aniqligi va ishonchligi nuqtayi nazaridan unga yuksak baho beradi.

Jonathan Brovning "The Canonization of al-Bukhari and Muslim"[8] (Al-Buxoriy va Muslimning hadis qabul qilishdagi shartlari) nomli kitobi XX asr G'arb dunyosida amalga oshirilgan "Kutubi sitta"ga oid tadqiqotdir. Asar ikki bo'lim, o'n bob va boblar tarkibidagi paragraflardan iborat. Jonathan Brovning kitobning birinchi bobida kanonizatsiya (qonunlashib ketgan urf-odatlar, qarashlar -G. Alijonova) tushunchasini tahlil qilib o'tgan. Uning paydo bo'lishi, xristian jamiyatida qanday tushinilishi va urf-odat shaklida qonun sifatida jamiyatdagi o'rnini yoritib beradi. Shuningdek, Imom al-Buxoriy va Imom Muslimning hadislarni qabul qilishdagi shartlarini qonun sifatida talqin qiladi. Jumladan: "Al-Buxoriy "Sahih"ining to'liq nomi "Al-Jomi al-musnad al-sahih al-muhtasar min umur Rasululloh va sunanihi va ayyamihi" bo'lib, uning muallifi juda katta shaxsiy metod va usullar orqali hadislarni yig'gan. Ushbu to'plamdagi hadislar huquqiy va urf-odat ma'nosidagi matnlarni o'z ichiga oladi"[8] kabi ilmiy ma'lumotlar bilan Imom Buxoriy va Imom Muslimning hadis to'plashda va asarlarini yozishdagi usullarini tahlil qilgan. Bundan tashqari asarida "Kutubi sitta" to'plamlarining ishonchlik darajasini ham ilmiy dalillar orqali isbotlab bergan.

Robert Martson Speight "The Function of hadith as commentary on the Qur'an, as seen in the six authoritative collections" (Hadislarning Qur'onni sharhlashdagi vazifasi olti ishonchli to'plam misolida) nomli maqolasi Andrew Rippon

“Approaches to the history of the interpretation of the Qur’an” (Quron tafsiri tarixiga yondashuvlar) kitobining toʻrtinchi boʻlimida kelgan.

Maqolada “Islomning hadis sohasi Muhammad (a.s.) misoli (sunnatlari) haqidagi xabarlarini etkazish bilan bogʻliq. Bu xabarlar islom davrining dastlabki ikki yarim asrida qizgʻin izlanishlar obʻekti boʻlgan. Ular koʻplab yozma toʻplamlarda jamlangan va asta-sekin ulardan oltitisi sunniy dunyoning koʻp qismida eng nufuzlilari sifatida tan olingan. Biz ularni jamlab “Olti kitob” (Al-Kutub as-sitta) deb ataydigan boʻlsak, hadisning Qurʼon sharhi sifatidagi rolini koʻrsatishda asos boʻladi”[8] – deya Robert Martson hadis ilmi Muhammad (a.s.) sunnatlarini ishonchli holatda yetkazish ilmi ekanligini, bu ilm dastlabki hijriy asrlarda shakllanganligi hamda Qurʼoni karim tafsirini tushunishda asosiy manbaligi haqida ilmiy mushohadalarni keltirib oʻtadi[9]. Biroq, hadis ilmini birinchidan Qurʼoni karimni tushunib olishda bir ilm

deyilsa, ikkinchidan hadis ilmi alohida manba va fan sohasi sifatida baholanadi. Shuningdek, olim “Kutubi sitta” toʻplamining Gʻarb ilmiy muhitidagi oʻrnini yanada chuqurroq koʻrsatib bera olgan.

-Xulosa va takliflar. XIX-XX asrda amalga oshirilgan gʻarb tadqiqotlari sharqda olib borilgan ilmiy izlanishlardan farq qiladi. Chunki, gʻarbdagi hadis sohasidagi izlanishlar asosan skeptic nuqtai nazardan qilingan. Gʻarb sharqshunoslarining koʻp qismi hadislarga nisbatan ishonchsiz kayfiyatda kitoblar taʼlif qilishgan. Mana shunday islomning asosiy manbalaridan biri boʻlgan hadislarning asl holida saqlab qolishga qaratilgan tadqiqotlar sharq olimlari zimmasiga tushdi. Garchi gʻarbda olib borilgan tadqiqotlar mafkuraviy jihatdan salbiy boʻlishligiga qaramasdan, gʻarb ilm-fani dunyosiga hadis ilmi kirib borishiga va keng yoyilishiga olib keldi.

ADABIYOTLAR

1. Rahimjonov D, Muratov D, Obidov R, Alimova M. Hadisshunoslik. – T.: “Toshkent islom universiteti”, 2013.
2. Barthelemy D’Herbelot. Bibliotheque orientale. 1697
3. William Muir. The life of Mohamet. London.: 1865.
4. Yulius Vellgauzen. Muhammad in Medina. Berlin.: 1882.
5. Alois Sprenger. The Life of Mohammad from Original sources. Presbyterian Mission Press. 1851.
6. Ignas Goldziher. Muxammedanische Studien. Niemeyer.: Helle, 1889. 1890.
7. Nikolson Reynold Allen. A literary history of the arabs. London.: 2010. 536.
8. Jonathan Braun. The canonization of al-Buukhari and Muslim. Boston.: Leide.
9. Andrew Rippon. Approaches to the History of the Interpretation of the Qur’an. USA. Gorgies press. 2013.



УДК: 193.4(575.1)

Қахрамон АЛМАНОВ,
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси, Т.ф.ф.д. (Phd)
E-mail: almanov20111988@gmail.com

Ўз ФА МАМ катта илмий ходими, т.ф.д. Бобоёров Ф.Б тақризи асосида

SOCIAL AND ETHNIC COMPOSITION OF THE POPULATION OF THE CITY OF JIZZAKH IN THE LATE XIX – EARLY XX CENTURIES

Abstract

The article examines the main processes of changing the social and ethnic composition of the population of the city of Jizzakh in the late XIX-early XX centuries. In addition, the city of Jizzakh, which is considered the administrative central part of the Jizzakh oasis, has always been an area of mutual struggle to be considered one of the strategic, economic, cultural and trade centers of the Bukhara Emirate, as well as the entire Turkestan region, was identified based on the analysis of various sources.

Key words: Jizzakh, Bukhara, Kokand, ethnic composition, Izzatullah world, Sangzor, Eastern Gate, N.V.Khanikov, A.V.Vamperi, V.V.Radlov, Property, Integrity, Palace, Tashkent, Nizhanlik, Havastlik, Ravallik, Uratpalik.

СОЦИАЛЬНЫЙ И ЭТНИЧЕСКИЙ СОСТАВ НАСЕЛЕНИЯ ГОРОДА ДЖИЗАКА В КОНЦЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

Аннотация

В статье рассматриваются основные процессы изменения социального и этнического состава населения города Джизак в конце XIX-начале XX веков. Кроме того, город Джизак, который считается административной центральной частью Джизакского оазиса, всегда был областью взаимной борьбы за то, чтобы считаться одним из стратегических, экономических, культурных и торговых центров Бухарского эмирата, а также всего региона Туркестан, был выделен на основе анализа различных источников.

Ключевые слова: Джизак, Бухара, Коканд, этнический состав, Мир Иззатулла, Сангзор, Восточная ворота, Н.В.Ханыков, А.Вампери, В.В.Радлов, Собственность, Целостность, Дворец, Ташкент, Ниджанлик, Хавастлик, Раваллик, Уратепалик.

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ЖИЗЗАХ ШАҲРИ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ ВА ЭТНИК ТАРКИБИ

Аннотация

Мақолада XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах шаҳри аҳолисининг ижтимоий ва этник таркибидаги бўлган асосий жараёнлар ёритиб берилган. Шунингдек, Жиззах воҳасининг маъмурий марказий қисми ҳисобланган Жиззах шаҳри Бухоро амирлигининг, балки бутун Туркистон ўлкасининг стратегик, иқтисодий, маданий ва савдо марказларидан бири ҳисобланганлиги учун доимо ўзаро курашлар майдони бўлганлига турли манбалар таҳлили асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Жиззах, Бухоро, Қўқон, этник таркиб, Мир Иззатулла, Сангзор, шарқий дарвоза, Н.В.Ханыков, А.Вампери, В.В.Радлов, Мулканлик, Яхтанлик, Саройлик, Тошкентлик, Нижонлик, Хавастлик, Раваллик, Ўратепалик.

Кириш. Ўрта Осиёнинг қадимги давр ва ўрта асрлар тарихида ўзига хос ўрин тутган Жиззах шаҳри сўнгги ўрта асрларга келиб минтақада кечган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва этномаданий жараёнларда алоҳида ўрин тута бошлайди. Бунга ушбу шаҳар, умуман олганда, Жиззах воҳасининг Бухоро ва Қўқон каби иккита мустақил ўзбек хонликлари орасида тортишувли ҳудудга айланиши муайян бир туртки бўлади. Жиззах воҳасининг маълум бир муддат Бухоро амирлиги, маълум бир муддат эса Қўқон хонлиги таркибида бўлиши воҳанинг ижтимоий ва этномаданий ҳолатига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Бунга XIX аср охири – XX аср бошларида Жиззах шаҳри аҳолисининг ижтимоий ва этник таркиби билан танишиб чиқиш орқали гувоҳ бўлиш мумкин.

Жиззах воҳасининг маъмурий марказий қисми ҳисобланган Жиззах шаҳри Бухоро амирлигининг стратегик, иқтисодий, маданий ва савдо марказларидан бири ҳисобланган. Бу шаҳар ўзининг ажойиб табиати, хосилдор ерлари ва гўзал боғлари, атрофи баланд тоғлар билан ўралиб, нисбатан серсув ҳудуд бўлганлиги билан амирликнинг бошқа ҳудудларига нисбатан алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун бу ҳудуд доимо Қўқон ва Бухоро ўртасидаги мунозарали ҳудуд бўлиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса Жиззах йирик

шаҳар қиёфасига эга бўлган. Бу шаҳар Чор Россияси кўшинларига қаттиқ қаршилик кўрсатган ва энг кўп рус кўшинларига қарши қаттиқ кураш олиб бориб, қатта талофат кўрган мардонвор шаҳар қиёфасида кўз ўнгимизда гавдаланади. Ёзма манбаларда “Қон дарё бўлиб окди, жами минг-минглаб одамлар ҳалок бўлди” деган маълумотлар учраши ҳам бундан дарак беради.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** XIX асрда яшаб, Бухоро амирлигининг ижтимоий аҳволи тўғрисида инглизларга айғокчилик қилган Мир Иззатулланинг гувоҳлик беришича, Самарқанд ва унга қўшни бўлган Жиззах кундан-кун ривожланиб бораётган шаҳарлардан бири эди. Шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий юқалишига унинг қулай географик жойлашуви сабаб бўлган. Шаҳар Сангзор дарёсининг қуйи қисмида жойлашган бўлиб, ғарб ва жанубдан баланд тоғлар билан ўралган ҳамда шарқдан унга кенг экин майдонлари тутаган эди. Бундан ташқари, шаҳарнинг жойлашуви шимоли-шарқдан Хитой ва Шарқий Туркистондан, жануби-шарқдан Ҳиндистондан, ғарб томондан Хоразм ва Бухоро орқали келувчи Эрон, Каспийбўйи ерларидан, шимолдан эса Россия ерларидан келувчи савдо қарвонлари учун қулай туташиш жойи бўлган. Мана шу жиҳатлар шаҳардаги савдо ишларини ривожига ўз

таъсирини ўтказган. Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Я. Ғуломовнинг Жиззахни Самарқанд учун табиий "шарқий дарвоза" вазифасини ўтаган деган фикрлари асослидир.

Манбаларда шаҳар таърифига кўп маълумотлар келтирилган. Мисол учун, Бобур ўз асарида Жиззах ва унинг атрофидаги ижтимоий ҳаётга таъриф берар экан «Семиз этлар ва майда этмаклар, арзон, чучук қовунлар ва яхши узумлар фаровон. Андоқ, усраттин мундоқ, арзонлик, ва андоқ, балияттин мундоқ амонликка келдик. Умримизда мунча фароғат қилмайду эдук»[1], деб ёзган. Н.В.Ханьков эса Жиззах ва унинг атрофлари «Сангзор дарёси суви билан сугорилганлигини» таъкидлаб, минтақадаги обод жойлардан бири эканига урғу беради.

Ёзма манбаларда келтирилишича, шаҳардан атрофига дарахтлар экилган шаҳар ичидан асосий ариқ ўтган. Бу ариқ кичик ариқларга ажралиб, хонадонларга сув етказиб берган, боғ ва томорқаларни сугорган. Намликнинг кўплиги Жиззах ҳавосини тоза ва баҳаво қилган. Шунинг учун жиззахликлар анча соғлом бўлганлар. Уларнинг юзлари тоза ва бўйлари узун бўлган. (бугунги статистик маълумотларга қараганда, одамларнинг энг узоқ умур кўриш кўрсаткичи бўйича Жиззах республика ҳудудида биринчи ўринда туради)[2].

Ёзда Жиззах нисбатан иссиқ ва кишда совуқлари қаттиқ эканлиги учун воҳа аҳолиси томонидан ушбу топоним мана шу ҳолатдан келиб чиққан деган қарашлар ҳам мавжуд.

Шунингдек, шаҳарнинг ҳар томондан эсувчи майин шамоллари ва ҳавосининг мусафолиги, инсонларнинг кайфиятни кўтариши, руҳий сокинликни таъминлаши ҳақида турли муаллифлар ўз эсдаликлариди маълумотлар қолдиришган[3].

XX аср бошида Жиззах шаҳри ҳудуди кенгайиб борган. Бунга сабаб турли ҳудудлардан аҳолининг кўчиб келиши таъсир қилган. XIX асрнинг иккинчи чорагидаги воҳа шаҳарлари тўғрисида маълумот берган Н.В.Ханьков ўзининг тадқиқотларида Жиззах тўғрисида баъзи маълумотларни бериб ўтар экан, бу ернинг амирликнинг асосий қўшини турадиган шаҳар бўлганлигини таъкидлайди[4]. Яъни, мазкур давр шаҳарнинг кенгайиши ва урбанизация жараёнини жадаллашиб бораётган эди.

Бир сўз билан айтганда, қадимдан Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлардан бири бўлган Жиззах XIX-XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги 19 та ҳокимлик орасида алоҳида ажралиб турган. Бу даврда Жиззах шаҳри амирликда йирик савдо ва маданий маркази сифатидаги улкан мавқега эга бўлганлигини пайқашимиз мумкин.

XIX аср ўрталарида савдо ривожланиши натижа-сида Бухоро амирлигида шаҳарлар аҳолисининг сони ўсиб бориши кузатилади.

Бу даврда, айниқса, Россия билан савдо муносабатлари кенг ривожланган. Урбанизация жараё-нининг ўсиб бориши кўзатилса-да, шаҳарлар аҳолисининг турмуш тарзи ва ҳўжалиги қишлоқ билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлган. Учта ўзбек хонлиги шаҳарларида йирик ишлаб чиқарувчи ҳўжалик: фабрика ва заводлар ёки йирик мануфактуралар шаклланмаган. Бунга бир томондан, XVI асрдан бошлаб Буюк ипак йўлини ўз аҳамиятини йўқотиши натижасида ҳудуднинг жаҳон савдо йўлларидан четда қолиши ва бу ерда ишлаб чиқарилувчи маҳсулотларни катта ҳажмда жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятини қийинлиги сабаб бўлган.

Иккинчи томондан, йирик ишлаб чиқарувчи ҳўжаликларнинг тараққий этмаганлиги шаҳарлардаги урбанизация жараёнини жадаллашмаганлигига сабаб бўлган.

Жиззах шаҳрида ҳам шу каби ҳолат ҳукм сурган. XIX аср иккинчи ярмидаги шаҳар аҳолисининг сони, унинг ўсиши динамикаси ҳақида батафсил маълумотлар манбаларда кам учрайди.

Асосан, рус тадқиқотчиларининг маълумотларида Жиззах шаҳри ва унинг аҳолиси тўғрисида қисқача тўхталиб ўтилган. Шаҳарлардаги аҳоли сони, шу жумладан, Жиззах аҳолиси ҳақидаги маълумотлар хилма-хил ва турлича бўлиши табиий ҳолдир. Масалан, Н.Ханьков, А.Вамбери, В.В.Радлов[5]лар Жиззах воҳаси ва унинг туман ва шаҳарлари тўғрисида бир қанча маълумотларни келтириб ўтишган. Шунингдек аҳоли руйхатлари ва бошқа манбаларга кўра эса, Жиззах атрофларида жуда кўплаб ўзбек оилалари истиқомат қилган деб кўрсатилади. Мазкур ҳолатда шаҳар аҳолиси сони ҳақида ягона фикрнинг мавжуд эмаслиги аҳолининг миллий – этник таркиби, ижтимоий гуруҳлар ва умуман халқ турмушининг кўпгина соҳалари бўйича ҳулосалар чиқариш имкониятини қийинлаштиради. Бироқ, ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Жиззах шаҳри ва унинг атрофлари воҳадаги энг аҳоли зич истиқомат қилган ҳудуд бўлган.

Эътиборли жиҳати шундаки, Жиззах воҳаси ва умуман Жиззах шаҳри йирик марказ ҳисобланса-да шаҳар аҳолисининг катта қисмини турмуш тарзи қишлоқ ҳўжалиги, яъни шаҳар атрофидаги аҳоли билан боғлиқ бўлган. Шаҳар аҳолисининг сони кўп салмоқли бўлмаса-да шаҳар атрофида яшовчи аҳолининг сони кўп, ҳамда уларнинг Жиззах иқтисодий ҳаётида иштироки катта бўлган. Шу нуқтаи назардан, шаҳар аҳолиси ва уларнинг турмушини тавсифини келтирганда шаҳарга яқин ҳудуд аҳолисининг турмуши ва ҳўжалиги билан боғлиқ маълумотларни инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Тадқиқотимиз натижасида шуниси аниқ бўлдики, шаҳар ва унинг атрофида асосий маҳаллалар ва гузарларнинг номлари қасб ва ҳўнармандларнинг номига Заргарлик, Совунгарлик, Кулоллик, Кўнчилик, Қассоблик каби ёки маҳалладагиларнинг келиб чиққан жойи ёки этник номи билан Саройлик, Тошкентлик, Нижонлик, Мулканлик, Яхтанлик, Хавастлик, Раваллик, Ўратепалик каби номлар билан аталганлигини кўришимиз мумкин. Жиззах воҳасига катта ҳудудлар орқали чегарадош бўлган қўшни Тожикистоннинг ҳозирги Зафаробод, Истаравшан (Ўратепа) шаҳри атрофларида Мулкан, Яхтан, Нижон каби қишлоқлар ҳозир ҳам борлиги диққатимизни тортди. Бу Жиззах билан Ўратепа ўртасида қадимдан иқтисодий ва маданий алоқалар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Бугунги Жиззах шаҳрининг «Жиззахлик» маҳалласи вакиллари ўзларини шаҳарнинг туб аҳолиси деб ҳисоблайдилар. Бунга сабаб сифатида маҳалласининг номи билан боғлашади. Бу маълумотларни А. Пардаев ҳам ўз тадқиқотларида такидлаб ўтган. Жиззах шаҳридаги айрим манзилгоҳларларнинг номлари муайян табақа вакиллари атаб «Қаландархона», «Қассоблик», «Эшон кўча», «Хўжа қишлоқ», деб ҳам юритилганлиги ҳам фикримизни исботлаб турибди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Жиззах шаҳрининг аҳолиси сони жами 15710 минг киши атрофида бўлган шундан эрақлар 8562 нафарни, аёллар эса 7148 нафарни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин[6]. Бу сонлар доимо ўзгариб турган бунга сабаб эса XVIII асрнинг II-ярми ва XIX асрда Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида сиёсий келишмовчиликлар ва ҳарбий тўқнашувлар Жиззахнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига қанчалик таъсир қилган бўлса, бекликдаги аҳоли демографияси ва урбанизация жараёнларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади[7]. Урушлар натижасида асосан, Бухоро ва Қўқон давлатларининг чегарасида жойлашган Ўратепа, Зомин, Ём каби шаҳар ва кентлар, улар атрофидаги қишлоқ аҳолиси азият чекди. Натижада, хонавайрон бўлган бутун бошли қишлоқлар аҳли мудофаа иншоотлари мустаҳкам бўлган Жиззах шаҳри ва шаҳар атрофи мавзеларига кўчиб келишга мажбур бўлдилар. Натижада бу даврда Жиззах Ўрдаси ва унинг атрофида

Олмачи, Сулоҳли, Қипчок, Қанғли, Саройлик каби этник номлар билан аталувчи янги маҳаллалар пайдо бўлди деган маълумотларни А. Пардаев ҳам ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтади[8].

1868 йилда Зарафшон округининг фақат Самарқанд бўлимида (тоғли туманлардан ташқари) аҳоли 179.522 кишини ташкил этган[9]. Бу вақтда Жиззах Сирдарё вилояти таркибида бўлган. Самарқанд вилояти таркибига кирган Жиззах воҳаси ва унинг волостларида қанча аҳоли яшаганлиги тўғрисида манбаларда аниқ

маълумотларни биз Л.Н. Соболев[10], А.Д. Гребенкин[11], М.С. Андреев, О.Д. Чеховичларнинг[12]тадқиқотларидан билишимиз мумкин. 1897 йилда ўтказилган Биринчи аҳоли рўйхатига кўра бутун вилоят бўйича аҳоли зичлиги шаҳарлардан ташқари фақат битта туман бўйича олинадиган бўлса 1 кв милга 14,19 тани ва 1 кв. милга 11,96 тани ташкил этган ва аҳолининг туманлар бўйича зичлиги куйидагича кўринишда бўлган. Жадвалда келтирилган:

Уезд номлари	Уезднинг шаҳарлар билан бирга аҳоли зичлиги	Уезднинг шаҳардан ташқари аҳоли зичлиги
Самарқанд уезди	44,15	36,56
Жиззах	8,63	8,02
Каттақўрғон	15,72	14,28
Хўжанд	9,24	6,71
Жами	77,74	65,57

Аҳолининг жойлашуви ва зичлиги бўйича Самарқанд вилояти уезд ва шаҳарлари аҳолиси кўп ҳудуд бўлиб, ундан кейинги ўринларда Каттақўрғон, Жиззах турганини кўришимиз мумкин. Ҳар бир миллат ва элат ўзининг тарихий-маданий бирлиги билан ажралиб турган ва ўзига хос хусусиятларини сақлаб келган. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида воҳанинг бош кенти ҳисобланган Жиззахда аҳолининг миллий таркибини асосан ўзбеклар ташкил этган[13].

- **Тадқиқот методологияси.** Тадқиқотда қиёсий, тарихий ва германевтик таҳлил усуллари асосида Жиззах воҳасидаги этник жараёнлар тадқиқ этилди.

Чор Россияси даврида миллий таркибни аниқлаш учун ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбирларида аҳоли сони аксарият ҳолларда тахминий ҳисобда кўрсатилган бўлиши мумкин.

Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивининг 21-фонди, 17-рўйхатида XIX аср охиридаги статистик маълумотлар Жиззах уезди волостларида аҳолининг жойлашуви, хўжаликлар ва

аҳоли сони, боғ ва томорқа экиннинг ер майдони, чорва сони тўғрисидаги маълумотга эътибор қаратадиган бўлсак, статистик маълумотларда 1871 йилда Жиззах уездида 157 та қишлоқ, 7 104 та оила - хўжалик, 22 725 тадан ортиқ аҳоли, шундан Жиззах шаҳрида ва жаъми уезд бўйича русийзабон аҳоли оила-хўжалиги 70 тадан ортиқ, жаъми 91 киши истиқомат қилганлиги таъкидланади[14]. Бу каби маълумотлар бизнингча тўлиқ олинмаган бўлса керак. Бу вақтларда аҳолини рўйхати тузилмаган эди шунинг учун бу маълумотлар қишлоқ ёки овул оксоқолидан оғзаки сўров натижасида олинган деган хулосаларимиз бор.

Шунингдек, Россиялик ҳарбийларнинг ўзлари қишлоқларда бўлиб, маълумот тўплашганлиги учун мана шундай тушунарсиз ҳолатлар келиб чиққан бўлиши мумкин. Рўйхатга олиш тадбирларининг дастлабкиси 1897 йилда амалга оширилган бунда воҳа аҳолисининг сони тўғрисида маълумотлар рус тадқиқотчиларининг маълумотларидан бирмунча фарқланади. Буни куйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Туман	Туман маркази	Герб туман шаҳри	квадрат ²	Аҳоли (1897), аҳоли.
Жиззах	Жиззах (15 710 аҳоли.)		25 812,0	222 683
Катта Қўрғон	Катта Қўрғон (10 087 аҳоли.)		6 997,6	110 006
Самарқанд	Самарқанд (55 128 аҳоли.)		7 751,3	342 197
Ходжандт	Ходжанд (30 109 аҳоли.)		20 036,7	185 135

Архив маълумотлари ва илмий адабиётлар маълумотларини таҳлил этган ҳолда шаҳар аҳолиси сонини Россия империяси томонидан босиб олинганга қадар 15-20 минг оралиғидаги шаҳар бўлган деб ҳисоблашимиз[15]мумкин. Ўлка аҳолисининг сони бўйича берилган маълумотларнинг турли хил эканлиги бу масалани чигаллаштиради. Бу фикримизни тўғри деб айтиш учун юқоридаги тадқиқотчилар хулосаларига таяндик. Чунки, ўрганилаётган даврда Жиззах воҳаси, умуман, Бухоро амирлигида аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигида машғул бўлиб, асосан қишлоқларда истиқомат қилишган бўлса-да, Жиззах шаҳри, йирик савдо маркази ҳамда ҳудудий савдо муносабатларида катта аҳамиятга эга бўлган ҳамда ҳунармандчиликнинг

бир қанча турлари кенг ривожланган шаҳар сифатида аҳолисининг XIX аср шароитида 20 минг атрофида бўлиши табиий ҳолат деб баҳолашимиз мумкин. Албатта, бу каби йирик маданий ва иқтисодий марказ бўлган шаҳарда бу ҳажмдаги аҳолини истиқомат қилиши урбанизация жараёнининг яхшилигидан далолат бериши мумкин. Бироқ, таъкидлаш жоизки, Жиззах ва унинг атрофлари, ва умуман Жиззах шаҳри ҳудуди доимо аҳоли зич истиқомат қилувчи ҳудуд ҳисобланган. Бу ҳақда кўплаб эътирофлар манбаларда учрайди.

Замондош муаллифларнинг матбуотда келтирган маълумотларига кўра Зарафшон округи ва унинг таркибидаги уездлар Россиянинг энг аҳолиси зич истиқомат қилган ҳудудларини ҳам аҳоли зичлиги бўйича ортда

қолдиришини ва ҳатто аҳоли зичлиги бўйича Ғарбий Европадаги унумдор вилоятлардан ҳам қолишмаганлиги такидланади.

К.П. фон Кауфман ҳам ўзининг ҳисоботларида Зарафшон дарёси ҳавзасида жойлашган ҳудудларни аҳоли зичлиги ва суғорма деҳқончиликни изчиллик билан амалга оширилишига этибор қаратиб Ломбардия билан таққослайди.

Туман	ўзбек	тожик	киргиз-қозок	сарт	рус
Жиззах	65,2 %	2,2 %	23,1 %	...	7,6 %

Бироқ, айрим этник бирликларнинг нима сабабдан бу шаҳарда истиқомат қилишлари, улар машғулоти ҳақида маълумотлар манбаларда кам учрайди. Аҳолининг катта қисмини ўзбек, қирғиз, қозок ва тожиклар ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. XIX асрнинг сўнгги чорагида Жиззах шаҳри аҳолисининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлган. Империя бошқарув тизимининг ўрнатилиши ва янги этник ҳамда сиёсий куч сифатида рус фуқаролари, яъни Россия империясига хизмат қилувчи турли миллат вакиллари иборат бўлган турли хил соҳалар мутахассислари кўчириш сиёсати натижасида ҳудудга келиб ўрнашган оддий рус аҳолиси ҳам аҳолининг этник таркибига

Жиззах шаҳар аҳолисининг этник таркиби нихоятда хилма-хил бўлган. Бу ерда ўзбек, тожик, қирғиз, қозок ва бошқа турли миллат вакиллари истиқомат қилишган. Уларнинг XIX асрнинг охири ва XX асрнинг биринчи ярмида сон жиҳатдан аҳоли таркибидаги улушини бўйича жадваллар тузиб чиқилган уларни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

ўзгартириш киритган. Жиззах рус қўшинлари томонидан эгалланиши ва рус ҳокимиятини ўрнатилиши билан маҳаллий аҳоли ва майда аҳоли гуруҳлари ҳам империя учун бир хил – қарам аҳоли мақомига эга бўлдилар ва уларга нисбатан бир хил муносабат ўрнатилди.

1891 йилдаги маълумотларга қараганда Жиззах шаҳри ҳудудида рус тилида гаплашадиган аҳоли сони жами 509 нафарни ташкил этган бўлган уларнинг ҳам этник таркиби турлича бўлган бу уларнинг этикодлари ҳам кўзга ташланади[16].

1897 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жараёнида аҳолининг таркиби турли ҳалқлар ҳисобига кенгайганини кўришимиз мумкин.

Милатлар	Эркақлар	Аёллар	Жами
Арманлар	11	2	13
Эронилар	20	0	20
Тожиклар	10	4	14
Руслар	344	120	464
Поляклар	64	7	71
Немислар	15	2	17
Яҳудийлар	5		5
Татарлар	23	4	27
Қозоклар	30	21	51
Ўзбеклар	7852	6849	14701
Сартлар (кўчманчи ўзбек қабилалари) назарда тутиляпти	182	139	321
Кошғарлар	2		2

Жами воҳа аҳолиси эса 222683 киши, шундан 120228 нафарини эркақлар, 102455 нафарини аёллар ташкил қилган. Кейинги аҳолининг этник таркиби ва сони бўйича қилинган тадқиқотларга кўра аҳоли сони бир мунча ўсганлигини пайқашимиз мумкин. Жиззах шаҳри ва унинг атрофларидаги аҳолининг сони ва этник манзараси мунтазам ўзгариб турган.

- Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). 1926 йили ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири воҳадаги барча ҳудудларни қамраб олди. Ушбу рўйхатга қарайдиган бўлсак аҳоли сони бир мунча ўсганлигини кўришимиз мумкин. Жиззах воҳаси ва унинг барча ҳудудларида жами 266999 киши, шундан 181961 нафарини ўзбеклар, тожиклар – 12901, қозоклар – 3096, руслар – 836, бошқа миллат вакиллари 8205 кишини ташкил этган[17]. Яна шуни алоҳида такидлашимиз керакки, Жиззах шаҳри аҳолисининг этник таркиби хилма хил бўлган. Шаҳарда қирғиз оилаларининг сони (жаъми 11 киши, шундан 7 нафар эркақ, 4 нафар аёл) истиқомат қилганлиги тўғрисида маълумотлар манбаларда қайд этилган[18]. Асосан ўзбеклар ва уларнинг юз, қирқ, қипчоқ, сарой, турк

ва бошқа уруғ вакиллари истиқомат қилишган. Буни биз бугунги Жиззах шаҳри маҳалаларини таҳлил қилганимизда ҳам гувоҳ бўлдик.

- Хулоса ва тақлифлар. Хуллас, Жиззах шаҳри аҳолиси ҳақида тавсиф берганда шаҳарнинг таркибий қисмлари бўлган маҳалла ва мавзеларни тавсифини бериш ўринлидир. Зеро, шаҳар аҳолиси ўз машғулоти ва турмуш-тарзига қараб алоҳида-алоҳида гузарларда истиқомат қилган.

Жиззах шаҳрида ҳозирги кунда ҳам “хўжа” номи билан аталадиган аҳоли гуруҳи яшаб, фаолият кўрсатмоқдаки, бу ҳолат воҳанинг қадим ва сўнгги минг йилликдаги этник тарихини ўрганиш учун муҳим омилдир. Масалан «Эшон кўча», «Хўжа қишлоқ», «Қаландархона» «Қассоблик» қабила. Шунингдек, ота-боболари қайси ҳудудлардан эканлигига қараб Мулканлик, Яхтанлик, Саройлик, Тошкентлик, Нижонлик, Хавастлик, Раваллик, Ўратепалик ва ҳ.к. Жиззах шаҳри қиёфаси доимо янги ташкил этилган маҳаллалар ёки мавжудларини кенгайтиши ҳисобига ўзгариб борган. Шаҳар гузарлари ижтимоий аҳамиятдан ташқари маъмурий аҳамиятга ҳам эга бўлган.

АДАБИЁТЛАР

1. Бабур Захириддин. Бобурнома. Перевод М.Салье. – Ташкент: Изд-во АН УзССР. С-64.
2. Мирзаалиев У. Сирдарё ва Жиззах вилоятлари мисолида.1956-2020йй)” мавзусидаги тарих фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Т.Университет.б-21-22.
3. Абу Тохир Хожа. Самария. Описание древностей и мусульманских святынь Самарканда. Пер. В.Л.Вяткина. – Справочная книжка Самаркандской области за 1889 г. Вып. IV. – Самарканд, 1889. С-161.
4. Ханьков Н.В. Описание Бухарского ханства.
5. Радлов В.В. Средняя Зарафшанская долина. – Записки русского географического общества по отделу этнографии. Т. IV. – СПб, 1880. С-8.
6. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т.4. Спб., 1874, с.629
7. Алманов Қ. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарканд вилояти Жиззах уездининг демографик манзараси. Гулду ахборотномаси 2020 й.1сон б.62-68
8. Абдурасулова Д.Т. Мустакиллик йилларида Жиззах маҳаллалари ҳаёти.Жиззах., Жиззах воҳаси – Марказий Осиё цивилизацияси тизимида(қадимги даврдан ҳозирги кунгача)” Жиззах - 2020 йил. 332б].
9. Саидкулов Т.С. Самарканд во второй половин XIX – начале XIX веков. – Самарканд, 1970. С-9.
10. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т.4. Спб., 1874, с.629
11. Гребенкин А.Д. Узбеки. // Русский Туркестан. Вып.2. Спб.,1872, с.92-93
12. Андреев М.С., Чехович О.Д. Арк (кремль) Бухары в конце XIX – начале XX вв. Д., 1972
13. Соболев Л.Н. Географические и статистические сведения о Зеравшанском округе с приложением списка населенных мест округа. // Записки императорского русского географического общества по отделению статистики. Т.4. Спб., 1874, с.629
14. Гребенкин А.Д. Таджики. Узбеки. Мелкие народности Зеравшанского округа // Русский Туркестан // Сборник, изданный по поводу политехнической выставки // вып. II. – М., 1872;
15. https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/41116#cite_note-2
16. "Справочная книжка", 1893 год. Составитель: и.д. секретаря статистич. Коминета М.Вирский.
17. Всесоюзный перепись населения 1926 г. т.ХХV. Узбекская ССР. ЦСУ. СССР. –М., 1928. –с. 145-149.
18. Ўша манба.



УДК:069.6(575.1)

Гулраъно ОРИФЖОНОВА,
Миллий рассомлик ва дизайн институти докторанти,
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: gulirano.orifjonova@mail.ru

Профессор, т.ф.д. Исмаилова Ж.Х. тақризи асосида

EXPOSITIONAL DEVELOPMENT OF MUSEUMS OF UZBEKISTAN

Abstract

This article analyzes the methods of exposition of material and cultural heritage of museums of Uzbekistan and innovative approaches to the creation of the exhibition. Innovative software is one of the most widely used methods in the world's leading museums. The use of innovative methods is important in creating programs on museum pedagogy and andragogy, working with visitors of different ages and backgrounds, attracting inclusive individuals to the museum, the development of museum marketing. From this point of view, research on the innovative development of museums is important in museology.

Key words: museum, subject, exposition, innovation, complex method, thematic method, ensemble method, exhibit, interior, method, spectator.

ЭКСПОЗИЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ МУЗЕЕВ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация

В данной статье анализируются методы экспонирования материального и культурного наследия музеев Узбекистана и инновационные подходы к созданию экспозиции. Инновационное программное обеспечение является одним из наиболее широко используемых методов в ведущих музеях мира. Использование инновационных методов важно при создании программ по музейной педагогике и андрагогике, работе с посетителями разного возраста и происхождения, привлечении в музей инклюзивных личностей, развитии музейного маркетинга. С этой точки зрения в музеологии важны исследования инновационного развития музеев.

Ключевые слова: музей, предмет, экспозиция, новаторство, комплексный метод, тематический метод, ансамблевый метод, экспонат, интерьер, метод, зритель.

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИНИНГ ЭКСПОЗИЦИОН РИВОЖИ

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистон музейларининг моддий-маданий меросни экспозицияга қўйиш методлари ҳамда кўргазма яратишда инновацион ёндошувлар таҳлил қилинган. Жаҳоннинг етакчи музейларида инновацион дастурлар кенг қўлланилувчи методлардан бири ҳисобланади. Музей педагогикаси ва андрагогикасига оид дастурлар яратишда, музейга ташриф буюрувчи турли ёшда ва қатламга оид ташрифчилар билан ишлашда, инклюзив шахсларни музейга жалб этишда, музей маркетингини ривожлантиришда инновацион методларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан олиб қараганда музейларнинг инновацион ривожига оид тадқиқотларни олиб бориш музейшуносликда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Калит сўзлар: музей, предмет, экспозиция, инновация, комплекс метод, тематик метод, ансамбль методи, экспонат, интерьер, метод, томошабин.

Кириш. Жаҳон ҳамжамиятининг интеграциялашуви шароитида, мафкуравий, ғоявий ва информации курашлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда музейлар ривожига инновацион лойиҳаларга бўлган талаб ўсишига олиб келмоқда. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданий ва маънавий меросни сақлаш ҳамда кўпайтириш, халқимизни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, моддий-техник базани яхшилаш ва халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида музейларни ривожлантиришнинг инновацион ва амалий механизмини ишлаб чиқиш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, инфратузилмани яхшилаш, санъат ва бадиий ижодни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, жаҳон маданияти майдонида мамлакатнинг нуфузини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Мустақилликнинг дастлабки йилларида музейлар фаолияти[1] ва музейшуносликка бағишланган илмий асарларда[2] мавзуга доир назарий Ўзбекистондаги тарих ва ўлкашунослик музейлари[3], музей иши тарихи[4],

музей фондлари[5], жаҳон музейларида Ўзбекистонга оид коллекцияларнинг шаклланиши[6] ҳамда музей туризми ривожига[7], виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси[8] ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истиқболларига бағишланган тадқиқотларда қамраб олинган[9]. Ўзбекистон музейлари фаолияти[10], хориж музейларида тўпланган коллекциялар[11], ва анъанавий кадрларига эътибор қаратилган ўқув қўлланма, дарслик ва монографиялар ҳам мавжуд[12].

Жаҳоннинг етакчи музейларида инновацион дастурлар кенг қўлланилувчи методлардан бири ҳисобланади. Музей педагогикаси ва андрагогикасига оид дастурлар яратишда, музейга ташриф буюрувчи турли ёшда ва қатламга оид ташрифчилар билан ишлашда, инклюзив шахсларни музейга жалб этишда, музей маркетингини ривожлантиришда инновацион методлари-дан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу нуқтайи назардан олиб қараганда музейларнинг инновацион-он ривожига оид тадқиқотларни олиб бориш музейшуносликда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ҳозирги кунда бу борада илмий изланишлар ва адабиётларнинг танқислиги яққол сезилади.

- **Тадқиқот методологияси.** Экспозиция – биринчи навбатда этномаданий маконни моделлаштиришдир [13]. Тўпланган коллекциялардан янги текст яратиш учун фойдаланмаслик худди янги контекстга уламай туриб, маданий контекстан чиқариб юборишга ўхшаб маъносиздир, бу ўз навбатида илмий таърифиз музей объектларини талқин қилиб бўлмайди. Шунингдек, экспозиция – халқлар ва мамлакатлар орасидаги муносабатларни образли тушуниш натижаси [14], маданий мулоқот ҳам ҳисобланади.

Музейларда экспозиция яратишда қуйидаги методлардан кенг фойдаланилади:

Ансамбль методи – бу кўп сонли айниқса, этнографик музейлардаги бош метод ҳисобланиб, асосий эътибор интерьерни акс эттиришга қаратилади. Мазкур методнинг асосий мақсади – алоҳида тарихий даврга оид предметнинг маънавий муҳитдаги ўрнини ҳужжатли асосда қайта тиклаш ва сақлаш ҳисобланади.

Тематик (мавзули) метод – факт, ҳодиса, жараён ва унинг диалектик ривожланишини хронологик ёки муаммоли томондан кўриб чиқади. Музей предмети – бу ерда маълум бир ғояни ифодаладиган восита. Методнинг асосий тузилмавий бирлиги – мавзули экспозицион мажмуа ҳисобланади. Бу метод XX асрнинг 20-йилларида тарихий музейларда пайдо бўлган.

Шартли сахна – музейда мавжуд предмет ва коллекциялар ёрдамида бирор мавзу сахнаси яратилади. Аммо реал воқеалик ва фактлар айнан мазкур сахна билан мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Музей фонд материалларидан келиб чиққан ҳолда шартли тарзда умумлашма образ яратилади.

Диорамма – тасвирни фақат дераза томондан кўриш имконини беради (уч томонлама диорамма альков диорамма деб аталади). Уни ярим доира ёки тўртбурчак хона деворига жойлаштириш мумкин. Диораммалар панорамалар каби катта майдонларни эгалламаганлиги сабаб табиий музейларда кўп учрайди [15].

Комплекс методи – музей экспозицияси, кўргазма яратишда мавзуга доир барча предмет, восита ва шакллар ёрдамида умумлашма образ, муҳитни ҳосил қилишга қаратилган метод ҳисобланади.

Иллюстратив метод – фото, иллюстрация, тарихий ҳужжат, баннерлардан фойдаланган ҳолда экспозиция, кўргазма яратиш.

Моделлаштириш методи – этнографик ихтисосликдаги музейларда тураржойлар, бирор объект, плантациялар, географик муҳитнинг айни кўринишини кичрайтирилган масштабда ифодалайди [16].

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Ўзбекистон музейлари орасида инновацион экспозиция яратиш методлари қўлланилган музейлар талайгина. Жумладан, Хива «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонаси таркибига кирувчи 1720 йилда барпо этилган Шерғозихон мадрасасида жойлашган Мадраса тарихи номи билан аталувчи музейда фаолият юритган, таълим олган илм-маърифат намояндлари фаолиятини ёритишда бу каби методлардан унумли фойдаланилганини кўришимиз мумкин. Мазкур экспозицияни яратишда аксарияти XIX–XX аср бошларига оид машҳур Хива гиламлари, кумғонлар, либослардан фойдаланилган. Масалан, Шерғозихон мадрасасида таълим олган қорақалпоқ мутафаккир шоири Ажиниёз фаолиятига бағишланган кўргазмада XX асрга оид қорақалпоқ халқи орасида кенг тарқалган чакмон ҳамда дутор ҳам экспозицияга қўйилган. Бу шоирнинг фаолиятини ёритишда муҳим ўрин тутган. Бундан ташқари, қорақалпоқ аёллар кийими, хуржунлар, уй-рўзгор буюмлари орқали шоир дostonларида қуйланган давр муҳити яратишга ҳаракат қилинган.

Бекет ота бўлими орқали мадрасада козоқ халқи этнографиясига оид коллекциялардан намуналар экспозицияга қўйилган.

Бекет Аҳмад Мирзақул ўғли Қозоғистоннинг Манғишлоқ вилояти Оқмасжид туманида туғилиб, 1767 йилда мазкур мадрасада таълим олишни бошлайди ва 7 йил давомида бу ерда таълим олган. Мазкур экспозиция Қозоғистон Республикаси Манғишлоқ вилояти Ақтоу шаҳридан келган месенат Ототилеёв Қирлиобек Қилич ўғли томонидан асос солинган. Иккита бирига қарама-қарши томонда этнографик экспозиция яратилган бўлиб, улардан бирида эрақ ва аёл либоси, XIX асрга оид кумғон, сулопча, тунг, кигиз гиламлар, дутор, лавҳ ўрин олган. Иккинчи томонда эса XX асрга оид яшил бахмалга кашталар тикилган козоқ эрақлари тўни, XIX асрга оид кумғон, челақ, жун махсулотлари, бўйра, кигиз, ўтовда ишлатиладиган жундан қилинган тўшамалар, дутор ҳамда араб ёзувидаги байтлар тикилган эрақлар тўни кўргазмага қўйилган. Мазкур этнографик экспозицияси орқали Бекет ота яшаган давр ҳаёти томошабинга етказиб берилган.

Мазкур мадрасада кўплаб туркман мутафаккирлари тахсил олган. Улардан бири атоқли туркман шоири Махтумқули ҳисобланади. Музейда Махтумқули ижоди акс этган экспозицияда туркман халқ этнографияси акс этган кўргазма мавжуд. Кўргазманинг биринчи қисми туркман аёллари либослари ва тақинчоқлари, аёллар томонидан фойдаланладиган уй-рўзгор буюмларига бағишланган. Уч хил ёш тоифадаги: ёш қизлар, келинлар, ўрта ёш аёллар либослари комплекс методдан фойдаланилган ҳолда экспозицияга қўйилган. Туркман эрақлари либосларининг уй ичига ва кўчада кийишга мўлжалланган кўринишлари, чўғирма, туркман дўпписи, эгар, мис кумғон, қозон, гиламлар, хуржун XIX аср охири XX аср бошларидаги туркманлар этнографиясида фойдаланилган буюмларни акс эттиради.

Хивада 2019 йилда янги «Меннонитлар тарихи»га бағишланган музей ўз фаолиятини бошлади. Меннонитлар ўз диний этикоди туфайли Германиядан дунёнинг турли ҳудудларига тарқаб кетишга мажбур бўлган. Хивага меннонитлар Россиядан келиб қолади.

Муҳаммад Раҳимхон II нинг қарори ва қўмағида 16 апрель 1844 йилда Хивадан 15 км узоқликдаги қишлоққа 40 оиладан иборат немис меннонитлари жойлаштирилди. Мазкур музейда меннонитларнинг келиб чиқиши, уларнинг дунё бўйича тарқалиши, Марказий Осиёга келиб қолиш тарихи ҳамда Хива ҳонлигидаги яшаш тарзи, машғулотлари акс эттирилган.

Ўзбекистон мусиқа маданиятини ўзида намоиш этувчи Хивадаги Қози Калон мадрасасида (1905) жойлашган Мусиқа маданияти тарихи музейида инновацион ечимдан фойдаланган ҳолда экспозиция яратилган. Хоразм мусиқа маданиятини акс эттирган мазкур кўргазмада чолғу ижрочиларининг фаолияти муляжлар ёрдамида тарихий муҳит яратилган ҳолда мувафакқиятли намоиш этилган. Мазкур экспозицияда комплекс методига мурожаат қилинган.

Шаҳрисабз мақом музейи экспозициясини яратишда этнографик предметлардан кенг фойдаланилган. Жумладан, Ўзбекистоннинг турли ҳудудларига хос мақом санъатининг ўзига хос хусусиятлари бевосита ўша ҳудудга хос миллий либослар, бош кийимлар, уй-рўзгор буюмлари, сўзаналар, чолғу асбобларини кўргазмага қўйиш орқали кўрсатиб берилган.

Мемориал музейлардан бири Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов мемориал музейида шоир туғилиб ўсган муҳитни ифодаловчи экспозиция яратилган.

Музей экспозициясидаги энг қимматли экспонат бу шубҳасиз шоир улғайган бешиқдир. Бешиқ шоир

улгайган хонадон панорамасидан ўрин олган. Тўрт томонда духоба кўрпачалар тўшалган. Ўртада кизил кўрпа ёпилган сандал устига каштали дастурхон ёзилган ҳамда мис патнос ва мисдан ясалган чойидиш қўйилган. Бурчақда деворга суялган ҳолда ўзбек миллий чолғу асбобларидан бири дутор қўйилган.

- Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон музейларининг экспозициясини шакллантиришда замонавий методлар, техника, мультимедиа ютуқлари кенг қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат музейлар моддий-техник базасининг мустаҳкамлаш, кучли малакали мутахассис кадрларнинг изланишлари билан боғлиқ ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР

1. Бекмуродов М., Рашидов М. Музейшунослик. – Тошкент, 2006. – 102 б.
2. Фузаилова Г., Хасанова М. Музееведение. – Ташкент, 2008. – 192 с.
3. Исмаилова Ж.Х., Левтеева Л. Г. Музеи, галереи, арт центры Ташкента. – Т.: Fan va texnologiya, 2017. – 234 б.
4. Kuryazova D.T. Muzei ishi tarixi va nazariyasi. – Т.: O'qituvchi, 2007. -160 b.
5. Альмеев Р.В. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития (1991-2000 г.г.): автореф. на соискание уч. степ. доктора ист. наук. – Ташкент, 2012. – 50 с.
6. Қурбонова Д.А. Жаҳоннинг йирик музейларида Ўзбекистонга оид коллекцияларнинг шаклланиши ва уларни комплекшлаш тамойиллари. Тарих фан. док. дисс. – Тошкент, 2020. – 230 б.
7. Мухамедова М.С. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги музейлаштирилган объектларда туризмнинг шаклланиши ва ривожланиш истикболлари (XX асрнинг II ярми – XXI аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2020. – 49 б.
8. Миралиева Ш.А. Виртуал музейлар яратишнинг жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистонда уларнинг ривожланиш истикболлари. Тарих фан. фалсафа док. автр.– Тошкент, 2019. – 54 б.
9. Исмаилова Ж.Х., Мухамедова М. С. Замонавий жаҳон музейшунослиги. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2013. – 310 б.
10. Исмаилова Ж.Х., Нишанова К. С., Мухамедова М. С. Музей ва жамият. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент, 2015. – 174 б.
11. Мухамедова М.С. Музейшунослик соҳасини ривожлантиришда миллий ва халқаро ташкилотлар фаолиятининг ўрни (XX-XXI асрлар). – Тошкент, 2017. – 297 б.
12. Қурбонова Д.А. Дунё музейларидаги меросимиз. – Тошкент, 2017. – 166 б.
13. Лысенко О. Этнографические музеи сегодня. Антропологический форум. 2007. № 6. – С.69.
14. Сиим А. Деклассификация фондов. Общие и африканистические замечание / Этнографические музеи сегодня. Антропологический форум. 2007. № 6. – С.83-84.
15. Музееведение: учеб. пособие для студентов специальности 031502 – музеология / Л. Г. Гужова [и др.]; под ред. доц. Н. В. Мягиной; Владим. гос. ун-т. – Владимир: Изд-во Владим. гос. ун-та, 2010. – С. 95-100.
16. Орифжонова Г. XIX-XX аср бошларига оид Ўзбекистон этномаданий меросини сақлаш, тадқиқ этиш ва намойиш этишининг тарихий-маданий жиҳатлари Тарих фан. фалсафа док. автр.– Тошкент, 2021. – 54 б.



УЎК: 94(575.1+470):323/327

Умиджон УСАРОВ,
ЎзМУ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.ф.д. (PhD)
E-mail: umidjon.usarov@mail.ru,

СамДУ профессори, т.ф.д Ш.С.Фаффоров тақризи асосида

ABOUT THE IRRIGATION SYSTEM OF THE SAMARKAND REGION IN THE SECOND HALF OF THE XIX CENTURY - THE BEGINNING OF THE XX CENTURY

Annotation

This article discusses the Zarafshan oasis, which was part of the Turkestan Governor-General of the Russian Empire in the second half of the 19th and early 20th centuries, in particular, the state of irrigation in agriculture in the Samarkand region, large water sources, irrigation facilities, the traditions of local farmers in irrigation agriculture, as well as the policies of the colonial government.

Key words: Zarafshan, Oasis, River, Samarkand, Kattakurgan, Karadarya, Akdarya, Narpay, agriculture, irrigation, canal, arik

О ИРРИГАЦИОННОЙ СИСТЕМЕ САМАРКАНДСКОГО ОБЛАСТИ В ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX ВЕКА – НАЧАЛО XX ВЕКА

Аннотация

В данной статье рассматривается Зарафшанский оазис, входивший в состав Туркестанского генерал-губернаторства Российской империи во второй половине XIX-начале XX веков, в частности, состояние ирригации в сельском хозяйстве Самаркандской области, крупные водные источники, ирригационные сооружения, традиции местных фермеров в ирригационном земледелии, а также политика правительства колониальной.

Ключевые слова: Зарафшан, Оазис, Река, Самарканд, Каттакурган, Карадарья, Акдарья, Нарпай, сельское хозяйство, ирригация, канал, арик.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ СУҒОРИШ ТИЗИМИ

Аннотация

Ушбу мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида – XX аср бошида Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирган Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилоятининг қишлоқ хўжалигида суғориш ишлари ҳолати, йирик сув манбалари, суғориш иншоотлари, суғорма деҳқончиликда маҳаллий деҳқонларнинг анъаналари ва бу даврда мустамлакачи империя ҳукуматининг ирригация ишларига оид сиёсати бир қатор архив ҳужжатлари, давр манбалари ҳамда мавзуга тегишли адабиётлар ва илмий тадқиқот ишлари орқали таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: Зарафшон, воҳа, дарё, Самарқанд, Каттакўрғон, Қорадарё, Оқдарё, Нарпай, қишлоқ хўжалиги, суғориш, канал, арик.

Кириш. Туркистон ўлкасида суғорма деҳқончиликка асосланган ерларни сув билан таъминлашда XIX асрнинг иккинчи ярмига хос бўлган технологиялар асосида такомиллаштириб борилганлиги, ўлканинг Зарафшон воҳасида ҳам суғорма деҳқончи-ликнинг ривожланишига туртки бўлган. Бу борада академик А.Р. Мухаммаджонов “Суғорма Шарқнинг барча катта-кичик дарё ҳавзаларида бўлганидек, Ўрта Осиёнинг марказий қисмида жойлашган Зарафшон водийсида ҳам қадимги деҳқончилик маданиятининг вужудга келиши суғориш тармоқлари, шунингдек, сув иншоотларининг барпо этилиши ҳамда ирригация хўжалигининг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган”, деб ёзади[4]. Бу ишларга тайёргарлик эрта баҳордан, яъни март ойларидан бошланган[12]. Аввало, ариқлар ўтлардан, тошлардан тозаланган. Ариқлар канча чуқур бўлса, шунча яхши бўлган.

Россия империяси Зарафшон воҳасининг юқори қисми босиб олиб, ўз мустамлака тизимини ўрнатгандан сўнг, бу ҳудуддан кўпроқ иқтисодий фой олиш мақсадида воҳанинг суғориш тизимига алоҳида эътибор қаратди.

Воҳа аҳолисининг асосий даромади қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлганлиги яхши англаган империя ҳукумати ўз манфаатидан келиб чиқиб суғориш тизимини бутунлай назоратига олиш учун бир қатор тадбирларни амалга оширади.

-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд

вилояти ирригация тизими ҳолати ва бу ерда Россия империясининг суғориш ишларига оид сиёсатини ўрганишда давр манбаларининг маълумотлари муҳим ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Миллий архиви Туркистон генерал-губернатор маҳкамаси (И-1-фонд), Россия империясининг Бухородаги сиёсий агентлиги (И-3-фонд), Америкалик дипломат ва сайёҳ Е. Schuyler (1876) эсдаликлари, Туркистонда тафтиш ўтказган Ф.К. Гирса (1882) комиссияси ҳисоботлари ва рус шарқшунослари А.И. Шахназаров (1908), И.И. Гейер (1909) асарлари каби манбаларда воҳанинг сув манбалари, суғориш тизими ва империя ҳукуматининг ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг содир бўлган ўзгаришлар ёритиб ўтилган. Шунингдек, А.Р. Мухаммаджонов (1972), И.М. Мўминов (1971), Х.Тошев (1987), Ҳ.Зиёев (2000, 2006), А.Э. Курахмедов (2001) каби муаллифлар тадқиқот ишларида Самарқанд вилоятидаги ирригация тизими ёритиб ўтилган.

-Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани ёзишда маълумотларни қиёсий таҳлил, муаммовий ва микдорий таҳлил, тизимлилик каби илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Россия империяси Туркистон ўлкасида мустамлака тузumi ўрнатилгандан сўнг Зарафшон воҳаси суғориш тизимининг аҳволи давр манбалари ва илмий адабиётлар асосида ёритилди.

-Таҳлил ва натижалар. Туркистон ўлкаси, хусусан Зарафшон воҳасида ҳам ерларни суғориш учун гоят қийин ва мураккаб гидротехник иншоотлар қуриш талаб қилинганлиги, воҳа ерларида маҳаллий деҳқонлар

табий географик имокониятлардан келиб чиқиб, маҳаллий шароитга мос деҳқончилик анъанасини шакллантира олганликларини ўлкадаги энг йирик сув тармоғи бўлган Зарафшон дарёси мисолида ҳам кўриш мумкин. XIX асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон дарёсидан казиб чиқарилган йирик канал ва ариқлар орқали қарийб 400000 десятина (1-десятина – 1.09 гектарга тенг) ер майдони суғорилган[1]. Шундан 269000 десятина атрофидаги ерлар Бухоро амирлиги ихтиёрида бўлган бўлса, 130000 десятина суғориладиган ерлар Самарқанд вилоятига тўғри келган[1]. Самарқанд вилоятининг бу ерлари Туятортар, Булунғур, Косон ва Дарғом сингари йирик ариқ ва каналлар орқали суғорилган[2].

XIX асрнинг иккинчи ярмида Зарафшон водийсида яшаган аҳолини машғулотирига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин. Бу водийнинг ўтроқ аҳолиси деҳқончилик билан чорвачиликни қўшиб олиб борган. Бундай хўжаликларда ер ва сув катта аҳамиятга эга бўлган. Улар пахта, ғалла, дуккакли экинлар, полиз ва сабзавот экинлари, шунингдек беда экинган. Водийнинг чўл ва дашт қисмида яшаган аҳоли турмушида эса, аксинча, чорвачилик етакчи ўринда турган. Умуман, водий чорвачилик билан уйғунлашиб борган, чунки ер ҳайдашда, ғалла янчишда, сув тортишда, хосилни ташиш да ҳайвон кучидан фойдаланилган[6].

Россия империяси мусталакачилик тизими Зарафшон водийсида ўрнатилгандан сўнг, унинг 10187 кавадрат милга (1 мил – 2.59 квадрат километрга тенг) тенг қисми империя ҳукумати қўл остида бўлиб, унинг қарийб ярмини тоғлар ташкил этган. Тоғлар ва уларнинг ёнбағирларидаги экин экиладиган ерлар 1200 квадрат милни, водийда эса бу рақам 1615 милни ташкил этиб, умумий ер майдонинг 18 фоизига экин экиладиган ерлар бўлган. Бу даврда Зарафшон водийсининг Бухоро амирлигига қарашли ерлари билан қўшиб ҳисоблаганда 3000 квадрат мил экиладиган экин майдонининг 1793 квадрат мил қисми Зарафшон дарёси орқали суғорилган[13].

XX асрнинг боши оид маълумотларга кўра, Туркистон ўлкаси, хусусан, Самарқанд вилояти аҳолисининг ҳам асосий машғулоти деҳқончилик бўлган. Шу билан биргаликда суғориш ишлари ҳам яхши ташкил этилган. Бутун Туркистон ўлкадаги сунъий суғориладиган ерлар майдонлари 1874900 десятинали ташкил бўлиб, бундан 401200 десятинаси Самарқанд вилояти ҳудудига тўғри келган[12].

Бу даврда Самарқанд вилоятининг табиий-географик шароити турлича бўлгани туфайли қишлоқ хўжалигида хилма-хил сунъий суғориш усулларидан кенг фойдаланилган. Экин майдонларига ҳовузларда сув тўплаш, канал ва ариқлар қазиб йўли билан сув келтирилган. Ариқ ва каналларга вилоятнинг асосий сув манбаи бўлган Зарафшон дарёсидан ёки ундан ажралиб чиққан Қорадарё, Оқдарё, Нарпай ва бошқа сув тармоқларидан сув олиб суғорилган. Бундай тадбирлар Самарқанд вилояти ерларининг серхосил бўлишига имкон берган[3]. И.И. Гейер маълумотларида келтирилишича, вилоятнинг суғориш тизимида Зарафшон дарёсидан чиқарилган энг муҳим каналлар бўлиб, ўнг қирғоқда Туятортар ва Булунғур, чап қирғоқда эса, Қозон, Дарғом ва Нарпай каналлари бўлган[1].

Вилоятда яшовчи маҳаллий аҳоли суғориш ишларида кўпроқ лойка ҳолда оқиб келган сувлардан фойдаланган. Бу сувларда тупроқ унумдорлиги учун зарур бўлган минерал моддалардан иборат оқинди жинслар кўп бўлган. Биргина, Зарафшон воҳасининг суғорма деҳқончилик учун яроқли бўлган ерларида оқиб келган лойка сув билан суғорилган ерлардан 32 хил қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилган[4]. Бироқ, бу ҳудудларга суғорма деҳқончилик қилишда сувни етказиб беришда доимий

муаммолардан бири бўлган. Бу, табиийки, рус маъмуриятни ташвишлантирмасдан қолмас эди. Масалан, 1889 йилда статс-маслаҳатчи Лютш Туркистон генерал-губернаторига жўнатган телеграмма-сида Бухорога экиллаётган сув кам эканлигини, амирликдаги пахта экинларининг куриб боришига сабаб бўлаётганлигини ёзади[8]. Шу сабабли Бухородаги Россия сиёсий агенти зудлик билан Бухорога нормадан кўпроқ сув беришни, имкон даражада тезроқ экилган хомашё куришининг олдини олиш лозимлигини таъкидлайди[9].

А.Р. Мухаммаджоновнинг маълумотларида XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Самарқанд вилоятининг асосий сув манбаи бўлган Зарафшон дарёсидан 56 канал орқали сув олган бўлиб, улардан 42 таси Панжикент ва Самарқанд бўлимларини, 14 таси эса Каттакўрғон бўлимини суғорган. Бу каналдан вилоят ҳудудидagi суғорилган ер майдонининг умумий ҳажми 9893,79 кўшга (1 кўш – тахминан 13,02 десятинага тенг) ёки 128818,75 десятинага тенг бўлган. Шу жумладан, Самарқанд бўлимида 7410,25 кўш ёки 96487,5 десятина ва Каттакўрғон бўлимида 2483,53 кўш ёки 32331,25 десятина ер майдони суғорилган.

1888 йилги Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторининг Россия Ҳарбий вазирлигига юборган ҳисоботи бўйича, Зарафшон дарёсидан жами 142 та магистрал канал орқали сув олинган бўлиб, шундан 99 таси Самарқанд вилояти ва 43 таси Бухоро амирлиги ҳудудларини сув билан таъминлаган. Зарафшон воҳаси бўйича ҳаммаси бўлиб 1924 та иккинчи даражали каналдан 985 таси Самарқанд қисмида ва 939 таси Бухоро қисмида жойлашган[4].

Бундан кўриниб турибдики, Россия империяси Самарқанд вилоятида ўз ҳокимиятини ўрнатганидан сўнг, Зарафшон дарёси сув тақсимоти Россия империясининг Бухоро амирлигидаги сиёсий агенти ўз тасарруфига тўлиқ олган[11].

А.И. Шахназаров маълумотларига кўра, Самарқанд вилояти Зарафшон, Фандарё, Яғнобарё, Искандардарё, Мағиёндарё, Пасруда, Қўштутдарё, Вору, Ахтуч, Сангзор, Оксув, Хўжабоқирғон дарёлари орқали сув олган. Зарафшон дарёси 176 верст (1 верст – 1066,781 метрга тенг.) узунликдаги ерларга 270 сажан сув бериб, Самарқанднинг қуйи қисмигача борган. Самарқанддан 12 верст узокликда Зарафшон дарёсидан Туятортар канали, дарёнинг чап қирғоғидан эса Дарғом ва Қозон каналлари сув олган. Ундан пастроқда Зарафшон дарёсининг чап қирғоғидан 12 та каналга сув чиққан. Кейинроқ, Қорадарё ва Оқдарё ўртасидан 54 та канал чиққан бўлиб, Самарқанддан чиққач яна 84 та канал дарёдан сув ичган[12].

Зарафшон воҳасида суғорма деҳқончиликда дарёлардан йирик ирмоқлар ва асосий каналларга, улардан шохобчалар, сўнгра улардан майда суғориш тармоқлари ажралиб чиққан. Шох-шабба, чим ва харсангтош каби табиий хомашёлардан фойдаланиб, дарёнинг секин оқадиган жойларида тўғон ва сувайирғич каби бир қатор гидротехник иншоотлар қурилган. Шу сабабли вилоятнинг деҳқончилик қилинадиган ерлари серхосил бўлиб, аҳоли пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик ва боғдорчилик билан кенг шуғулланган. Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалигида экинларни экиш даврига қараб, икки хил экин нави етиштирилган: биринчиси, “тирамойи ёки оқ” – қизда экиладиган экинлар бўлиб, уларга арпа, буғдой, зиғир, кўкнори ва бошқалар кирган. Иккинчиси, “Кўк” – баҳор мавсумида экиладиган экинлар бўлиб, уларга жўхори, шоли, тарик, мош, нўхат, сабзи, пиёз, шолғом, тамаки ва бошқа турдаги экинлар кирган. Булардан ташқари, водийда ғўза, беда ҳам муттасил экилар эди. XIX асрнинг иккинчи ярми Зарафшон округида ҳаммаси бўлиб 32 хил

қишлоқ хўжалик экини, шу жумладан, картошка ҳам етиштирилган[4]. Картошка экиш Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидагидек, Зарафшон округига ҳам руслар томонидан олиб келинган.

Туркистонда тафтиш ишлари олиб борган Ф.К. Гирс бошчилигидаги империя комиссияси ўлканинг барча ҳудудлари сингари Зарафшон воҳасининг суғориш ишларига алоҳида тўхталиб ўтиб, унинг ҳисоботида ўлкада ирригация иншоотларини маҳаллий аҳоли кучи билан барпо этиб келингани, ирригация иншоотларини қуриш ва таъмирлаш маҳаллий йўл билан, яъни турли шох-шаббалар ёрдамида амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлган. Айни пайтда маҳаллий аҳоли бу ишларда “ўз турмуш тарзида мўл-кўлчиликни кўрган” [5]. Шундай бўлса-да, Ф.К. Гирс бошлиқ тафтишчилар “Зарафшон дарёсидаги иншоотлар таъмирталаб бўлганлиги ҳамда сиёсий жиҳатдан Зарафшон дарёси Бухоро амирлигини сув билан таъминлаб турганлиги боис вилоятда бизнинг манфаатдан келиб чиққан ҳолда бир нафар рус ирригаторини қолдириш шарт”, - деган хулоса берди[10]. Бу ишлар ўз навбатида империя ҳукумати ўлкада, хусусан Самарқанд вилоятида аграр сиёсатга алоҳида эътибор бериб, бу билан иқтисодий жиҳатдан кўпроқ фойда олиш ва кўчириб келтирилган аҳолини унумдор ерлар билан таъминлаш мақсадлари кўзланган.

Россия империяси ҳукумати Туркистон ўлкасида ўз манфаатларига мос ҳолда суғориш ишларини яхшилаш учун бир неча ўнлаб лойиҳаларни амалга оширишга уриниб кўришган. Бу лойиҳаларни молиялаштириш давлат маблағи ҳисобидан бўлганлиги сабабли уларнинг деярли ҳаммаси охиригача етказилмай қолган. Биргина, 1895 йилда Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида 209750 десятина давлат ерларини суғориш учун тузилган 8 та лойиҳа ҳам шулар жумласидан эди[7]. Шунингдек, мустамлакачи ҳукумат ирригация ишларига кўп маблағлар сарфлашни хошлашмаган. Жумладан, Самарқанд вилояти ирригация ишларига ажратилган маблағлар XX аср бошларига келиб 107888 рублга тенг бўлган. Бу ҳар бир десятина ерга 34,9 копейкадан тўғри келган бўлади.

Уездлар бўйича бу қуйидагича тақсимланган: Самарқанд уездига бир десятина ерга 24,6 копейк, Каттақўрғон уездига 50,9 копейк, Жиззах уездига 13,6

копейк, Хўжанд уездига 70 копейк бўлган[12]. Бу маблағлар вилоятнинг суғориш ишларига учун етарли бўлмаган.

Ўз навбатида, империя маъмурияти ҳамда рус олимлари ўлка аҳолиси ирригация ишларидаги ихтиролари ва тажрибасига тан берган. Бунга сабаб биринчида сув иншоотларини қуришда маҳаллий деҳқонлар ҳеч қандай техникаси ёки технологиясиз арзон табиий ҳамашёлардан фойдаланган бўлса, иккинчидан бу сув иншоотлари шу ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳашар йўли билан қурилганлигидир. Масалан, Самарқанд уездининг Панжикент участкасидаги Кияризарик каналда бақувват ирригация иншооти қурилган бўлиб, уни А.Шахназаров алоҳида тилга олиб, “минг йиллар аввал қурилган”, - деб таъриф беради[12].

-Хулоса ва таклифлар. Умуман олганда XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб ҳам Зарафшон воҳаси маҳаллий деҳқонлари ўлканинг бошқа ҳудудлари сингари деҳқончилик анъаналари сақлаб қолган. Бу ҳудудда суғорма деҳқончилик қилиш маҳаллий аҳоли учун жуда катта меҳнат талаб қилса ҳам жамоа бўлиб сувдан фойдаланиш турли усуллари сақлаб қолинди. Туркистон ўлкаси, хусусан Зарафшон воҳасининг юқори қисми Россия империяси томонидан босиб олинганidan сўнг генерал-губернаторлик ўзига берилган ваколатлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса пахта етиштириш ҳамда кўпроқ ҳосил олиш мақсадида ирригация ишлари билан яқиндан шуғулланди.

Мустамлака маъмурияти Зарафшон воҳаси, хусусан, Самарқанд вилояти ирригация тизимини ўз мафаатига мослаштириш учун турли комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг фаолиятини йўлга қўйишда вилоятнинг ирригация тизими билан қизиққан мутахассислар жалб этилган ҳолда ўз сиёсатини олиб борган. Натижада, XIX асрнинг иккинчи ярмида Самарқанд вилояти аста секинлик билан тўлиқ ҳолатда Россия империяси ҳукумати томонидан империянинг марказдаги саноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш учун ўз хусусиятидан келиб чиққан ҳолда дастлаб ғаллачилик ва боғдорчиликка ихтисослаштирилган бўлса, XIX аср охири – XX аср бошида эса қишлоқ хўжалигида пахта монополиясини ўрнатилган.

АДАБИЁТЛАР

1. Гейер И.И. Туркестан. – Ташкент: Типография Туркестанского Т-ва печатного дела, 1909. – С. 5-61.
2. Зиёев Ҳ. Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгуси: (Тарихнинг долзарб масалалари). – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – 126 б.
3. Курахмедов А.Э. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Самарқанд вилоятида иқтисодий ва маданий ҳаёт (“Туркестанский сборник” маълумотлари асосида): Тарих фанл. ном. ... дисс. – Самарқанд. 2001. – 65 б.
4. Муҳаммаджонов А.Р. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача). – Тошкент: Фан, 1972. – 3, 202-203 б.
5. Отчет ревизирующего, по высочайшему повелению, Туркестанский край, тайного советника Ф.К. Гирса. СПб., 1882. – С. 357.
6. Тошев Х. XIX аср охири – XX аср бошларида Зарафшон ўзбекларининг хўжалиги ва ижтимоий турмуши. – Тошкент: Фан, 1987. – 4 б.
7. Ўзбекистон ССР тарихи / И.М.Мўминов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1971. Т. II. – 60-61.
8. ЎзМА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 585-ийғмажилд, 1-варақ.
9. ЎзМА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 585-ийғмажилд, 8-варақ.
10. ЎзМА, И-1-фонд, 12-рўйхат, 923-ийғмажилд, 52-варақ.
11. ЎзМА, И-3-фонд, 1-рўйхат, 353-ийғмажилд, 40-варақ.
12. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае. – СПб.: Типогр. В.Е. Киршбауна, 1908. – С. 87-105
13. Schuyler E. Turkistan: Notes of a Journey in Russian Turkistan, Kokand, Bukhara and Kuldja, – London, 1876. Vol. I. – Pp. 284.



УДК: 634.8(5751.)

Жаҳонгир ХАЙИТОВ,
Бухоро давлат университети доценти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
Email: jahongir.hayitov.89@mail.ru

УзМУ профессори, т.ф.д. А. Ерметов тақризи асосида

THE HISTORY OF THE DISTRIBUTION OF NEW TYPES OF DECORATIVE TREES IN CENTRAL ASIA AND ITS ROLE IN OVERCOMING ENVIRONMENTAL PROBLEMS

Abstract

This article discusses the work carried out in the Republic of Uzbekistan to address the problem of climate change, which is one of the biggest environmental problems today, and new types of ornamental trees developed in recent history. The article also examines the work carried out within the framework of the Green Square initiative and its role in solving environmental problems.

Key words: vegetation, ecology, erosion, climate, climate change, green nature, drought, agriculture, agro-industry, forestry, ornamental tree, fruit tree.

ИСТОРИЯ РАСПРОСТРАНЕНИЯ НОВЫХ ВИДОВ ДЕКОРАТИВНЫХ ДЕРЕВЬЕВ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ И РОЛЬ ЕЁ В ПРЕОДОЛЕНИИ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ

Аннотация

В данной статье рассматривается работа, проводимая в Республике Узбекистан по решению проблемы изменения климата, которая на сегодняшний день является одной из самых больших экологических проблем, и новые виды декоративных деревьев освоенных в недавней истории. В статье также рассматривается работа, проводимая в рамках инициативы «Зеленый квадрат», и ее роль в решении экологических проблем.

Ключевые слова: растительность, экология, эрозия, климат, изменение климата, зеленая природа, засуха, сельское хозяйство, агропромышленность, лесное хозяйство, декоративное дерево, плодородное дерево.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА МАНЗАРАЛИ ДАРАХТЛАР ЯНГИ НАВЛАРИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШДАГИ ЎРНИ

Аннотация

Ушбу мақолада ҳозирги кунда энг катта экологик муаммолардан бири бўлган иқлим ўзгаришларини бартараф этишда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар ва ислохотларда яқин тарихимизда ўлкага кириб келган манзарали дарахт янги навлари, уларнинг иқлимлаштирилиши тарихий манбалар асосида очиб берилган. Шунингдек, “яшил майдон” ташаббуси доирасида амалга оширилаётган ишлар ва унинг экологик муаммоларни бартараф этишдаги ўрни ҳақида мақолада атрофлича фикр юритилган.

Калит сўзлар: ўсимлик, экология, эрозия, иқлим, иқлим ўзгариши, яшил табиат, қурғоқчилик, қишлоқ хўжалиги, агросаноат, ўрмон хўжалиги, манзарали дарахт, мевали дарахт.

Кириш. Жаҳонда юз бераётган иқлим ўзгаришлари, экологик муаммолар, сув ва озик-овқат танқислиги дунё жамоатчилигининг доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Марказий Осиё минтақасининг тупроқ-иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда экологик муҳитга мос ўсимликларнинг янги нав ва турларини етиштиришда инновацион усуллар, истиқболли технологияларни жорий қилиш, тупроқ эрозиясига қарши ўрмонлар барпо этиш, доривор ўсимликлар янги навларини яратиш, экологик муаммолар кучайган ҳозирги даврда қурғоқчилик, турлитуман касалликларга чидамли бўлган ўсимлик турларини танлаш ва майдонларини кенгайтириш долзарб бўлиб қолмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш, бу борадаги тарихий тажрибалардан кенг фойдаланиш бўйича дунёнинг ривожланган давлатлари илмий марказларида кизгин илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Марказий Осиёнинг қулай иқлимий шароити, унумдор тупроққа эга эканлиги каби омиллар манзарали ва ўрмонбоп дарахт янги навларини ўстириш, уларни тарқатиш ва районлаштиришга кенг йўл очади. Шу жиҳатдан қараганда “Яшил майдон”лар инсоният ва табиат учун ҳар доимгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этади.

-Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Ўзбекистон ҳудудига янги экин навларини кириб келиши ва иқлим шароитларига мослашуви ҳақида аввало бирламчи манбаларда қимматли маълумотлар келтирилмади. Хусусан мазкур мақолада, Туркистон қишлоқ хўжалиги тажриба станцияси раҳбари сифатида 1902 йилдан бошлаб фаолият юритган Р.Р. Шредернинг Ўзбекистон Миллий архивида шахсий материаллари Р-2284-фондда сақланмоқда[10]. Ушбу фондда ўлкада ўрмон хўжалигини йўлга қўйилиши хусусида қимматли маълумотлар сақланмоқда.

Шунингдек, “Туркистон тўплами” саҳифаларида XX аср дастлабки ўн йилликларида ўлкага кўчирилган русийзабон аҳоли билан бирга янги экин навлари, хусусан манзарали дарахт янги навлари кириб келиши ҳақида бой маълумотлар келтирилди[1;2;4;5].

Манбаларда Туркистонга кўчирилган янги манзарали дарахтлардан хўжалик буюмлари тайёрлашга ҳам ўтилгани, уларни кексайган, қуриб қолганларидан ёғоч-созликда фойдаланилиб, жумладан, дубдан бочка, темир йўл шполлари тайёрлашда, лиственницадан уйларни пол қилишда, Сибирь кедридан, ёғоч тоқчалар, рус ёнғоғи қабилардан шётка ясашда кенг қўлланилган[5].

-Тадқиқот методологияси. Қадимги замонлардан минтақамизда ҳосил бермайдиган, қурилишбоп ва ўтин

мақсадида ҳамда совуқдан сақланишга қаратилган, ёхуд соя-салқинлики таъминлайдиган Шарқ чинори, терак, тол, гужум, тоғ ва тоғолди худудларида ўнлаб тур бутасимон дарахтлар, сахро ва чўлларда саксовул ва юлгун, рўён, давак, равоч кабилар мавжуд эди. Ушбу дарахтлар уста хунармандлар томонидан ёғочсозлик соҳасида, киш ойларида танани иситиш учун ўтин сифатида ва табиий шароитдан келиб чиқиб уй ва турар жойлар куриш каби кўплаб мақсадларга хизмат қилган. Хоразм “гужумлар мамлақати” номини олган бўлиб, ҳар бир хонадон олдида ва ховузлар атрофида гужум дарахтлари ўстирилган[9]. Ёнғоқ ва тут дарахтларининг меваси истеъмол қилинса, улар танасидан уй хўжалиги жиҳозлари тайёрлаш ва қишда хонадонларни иситишда ўтин мақсадида ҳам фойдаланишган. Писта, ёнғоқ ва бодом дарахтлари тоғли худудларда ёввойи ҳолда ўсиб, аҳоли улар мевасини истеъмол қилиш ва сотиш мақсадида тўплаган.

Минтақанинг чўл худудларида ва ариқ-каналлар бўйида, Амударё ва Сирдарё қирғоқларида қатта майдонларни саксовул, қамиш ҳамда юлғунзорлар эгаллаган. Россия империяси мустамлақаси даврида саксовул, юлғун каби бутасимон дарахтлар туркман ва қирғизлар томонидан аёвсиз чопиб йўқотила-ётгани, уни сақлаб қолиш зарурлиги ҳақида манбаларда кўплаб маълумотлар учрайди. Уша давр манбаларидан бирида “Тошкент ва Ўрта Осиё темир йўли бўйида ҳар йили 1 млн пуд саксовул кесиб йўқотилмоқда. Туркистон генерал-губернатори саксовул билан уйларни иситишни таъқиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди, тошқўмир билан уйларни иситишга ўтиб, мақсад гуллаб турган саксовулни сақлаб қолишдир. Шу мақсадда Туркистон генерал-губернатори генерал-майор Драгинни Сирдарё вилоятига юборди”, - деб ёзилган[1;6;2].

Таҳлил ва натижалар. Умуман дарахтлар сифатига кўра юмшоқ ва қаттиқ дарахтлар каби икки гуруҳга бўлиниб, улар кўчатини иқлимлаштириш кишлоқ хўжалиги тажриба-синов майдонлари ва участкаларида олиб борилди. “Хаваскор боғбонлар” ҳам ўз хўжалиқларида игна баргли дарахтлардан арча, айлантус, липа, ива, берёза, больха, шунингдек, қаттиқ дарахтлар туркумига кирган клень, дуб, ясень, рус ёнғоғи, акация кабиларни иқлимлаштиришга киришдилар. Шундай шахслардан бири 1870-1917 йилларда фаолият кўрсатган Г.Г. Оттендорф Фарғона шаҳрини кўкаламзорлаштириш ишларига бошчилик қилиб, 1877 йилда ташкил этган Марғилонсой қирғоғидаги хусусий питомниги (кўчат-хонаси)да 1909 йилгача 240 минг кўчат парвариллади. У ўстирган кўчатлар орасида мевали дарахтлар билан бирга шумтол, чинор, қайрағоч, акас, заранг, маклюра, бледичая, айлантус каби ўнлаб маҳаллий ва хориждан келтирилган манзарали дарахтлар бор эди[7].

1908 йилда Дашт чўл (Голодная степь) тажриба-синов майдонида ёғоч ва иссиқлик манбаи бўлган дарахт кўчатлари билан бирга, манзарали дарахтларнинг Европа, Россия, Крим, Кавказ, ҳатто, АҚШ сингари чет эллардан келтирилган янги нав кўчатлари маҳаллий шароитга иқлимлаштирилган.

Юқорида қайд этилган йилда тажриба-синов майдонида 925 туп дарахт кўчати ўтказилиб, 725 таси Россия марказидан келтирилган пирамидасимон ва кумуш ранг терак, 90 таси маҳаллий тут кўчати, 35 таси қайрағоч, 25 донаси Америка яснаси, 25 таси Америка акацияси, қолганлари манзара берадиган адамово, акация, сирень, рус қайрағочи ва бошқалар эди. Уманский боғдорчилик билим юрти ва Гелмингер (Рига) боғбонлар жамиятидан келтирилган мевали дарахтлар билан бирга, ўнлаб манзарали дарахтлар, картошка ва карам сингари сабзавотлар, ўтсимон, бутасимон экинлар ҳамда гулларнинг уруғ ҳамда кўчатлари келтирилган. Манзарали дарахтлар:

Катальпа, Гледичия, Америка ва Хитой ясени, Америка клени, Сосна, Ел, рус Арчаси, Аморфа, Айлантус, грек Ёнғоғи, Ива кабилар бўлган[3]. Тошкент шаҳар марказидаги генерал-губернаторлик биноси олдида, Александр номли боғда, ҳарбийлар казармаси ва йнғилиш биноси атрофида Ғарб ва Шарқда машҳур бўлган Оқ акация, яшил, пирамидасимон, кумуш рангли терак, вяз, қайрағоч, оқ пояли берёза, плен, липа, Шарқ чинори, ҳатто, пальма дарахтлари қад кўтариб турибди. Шаҳарнинг янги рус қисмида Москва, Черняевка, Соборная, Петербург, Скобелев мавзеларида Варшава лизинкаси, Флорентина кашинаси, Қора денгиз бўйи ва Кавказ ўрмонидан келтирилган дарахтлар, Сингапур парк дарахтлари, пирамидасимон кўринишдаги берёзалар қад кўтариб турибди. Рус шаҳри тўлалигича паркни эслатади. Тошкент Қоҳира (Миср) боғларини кўз олдимизда гавдалантиради”[4] - деб ёзилганди манбаларда.

Айтиш мумкинки, ўрмонлар мавжуд табиий ресурсларнинг салмоқли қисмини эгаллаши билан бирга ўзига хос қатта ишлаб чиқариш салоҳиятига ҳам эгадир. Энг қатта ва қимматли ресурслардан бири бўлган ўрмон фонди ерлари Ўзбекистон Республикаси худудининг бутунги кунда 10566,3 минг гектарни ёки жами ер фондининг 25,2 фоизини ташкил этади. Мавжуд ўрмон фонди ерларидан 4043,9 минг гектари ўрмонзорлардан иборатдир[8].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2017-йил 11-майдаги ПФ-5041-сонли Фармони ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, “Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.05.2017 йилдаги ПҚ-2966-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрмон хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”[11]. 19.07.2017 йилдаги 530-сонли қарори Ўзбекистонда ўрмончилик хўжалигини янги босқичга қадам кўяётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси худудида экиш учун тавсия этилган ўрмон ва манзарали экин турларига тўхталар эканмиз рўйхатни узоқ давом эттиришимизга тўғри келади. Чўлланиш, қум кўчиб қолишини олдини олиш учун яйлов ерлар ва чўл минтақаларида экиш ва кўпайтириш учун 1991 йилда давлат реестрига киритилган қора саксовулнинг “Нортуя” нави юқоридаги табиий омилларга қарши курашишда яхши натижа бермоқда[9]. Айниқса бу саксовул нави иссиқ ва совуққа бирдек чидамли эканлиги, сувсизликка чидамлилиги, ҳар қандай тупроқ шароитида ўса олиши ва мослашиши билан ажралиб туради.

Республикаимиз худудида сўнги йилларда ўрмон хўжалигини янги босқичга олиб чиқиш йўлидаги кўзланган марралар жуда қатта, албатта.

Ўрмонзорларни ташкил этишда бутасимонлардан наматак, шиповник, бересклет, магония, шамшод, аморфа, япон беҳиси кабилар давлат реестрига киритилган ва тизимли кўпайтирилмоқда. Япроқбаргли дарахтлардан мирзатерак, кўк терак, Сўғдиёна шумтоли, хандон писта, мажнунтол каби маҳаллий навлар билан бирга Пенсилвания шумтоли, Гледичая, багряник, япон софораси, акация, каталпа каби минтақамизга кириб келган ва ўлкада муофакятли иқлимлаштирилган навлар кўпайтирилмоқда. Игна баргли дарахтлардан Ғарб арчаси (Туя западная), Шарқ туяси, мовий қора арча, кипарис, Элдор қарағай, облонга, Казак арчаси, Крим қарағайи, метасеквоя, можжевельник каби манзарали ва ўрмонбоп навлар давлат рўйхатига киритилиб, химояга олинган[9].

Ҳозирда ушбу навларни асраб авайлаш, кўпайтириш, илмий тадқиқот институтларида уларни янги навларни яратиш устида катта ишлар олиб борилаётгани кишини хурсанд қилади, албатта.

Хуллас, сувдан оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўрмон хўжалигини худуд ва минтақалар кесимида бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага илм-фан ютуқларини жорий этиш, ўрмончилик хўжалиklarининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, экологик туризмни ривожлан-

тириш масалалари бугунги куннинг муҳим ва кечиктириб бўлмас вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шундай экан ҳар биримиз экологик муаммоларга бефарқ бўлмаган ҳолда, табиатни асраш, уни келажак авлодларга тугал етказиш учун масъулмиз.

Бунинг учун эса яқин тарихимизда минтақага кириб келган ва иқлимлаштирилган манзарали дарахт навлари ҳақидаги манбаларни таҳлил қилиб уларни содда, халқчил тилда китобхонларга етказиш биз тарихчиларнинг вазифасидир.

АДАБИЁТЛАР

1. Истребление саксаула // Туркестанский сборник. – Том 465.
2. Лесничий А., Лукин. Амударьинские кызыл-кумы // Туркестанский сборник. – Том 445.
3. Отчёт по Асхабадской школе садоводства, огородничества, и пчелководства 1 – го разряде за 1897 год / Обзор Закаспийский области. – Асхабад, 1898.
4. Очерки Ташкента (IV часть) // Туркестанский сборник. – Том I. Растительное царство и его богатства // Туркестанский сборник. – Том 441.
5. Саксауль // Туркестанский сборник. – Том 493.
6. Собиров Н., Эгамназаров А. Фаргона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси (XIX аср охири - XX аср бошлари). – Т.: “Фалсафа ва ҳуқуқ”, 2012.
7. Холиёров У., Носирова С. Ўрмон хўжалигида иқтисодий тадқиқотларни ривожлантириш муаммолари // Ўзбекистон кишлоқ ва сув хўжалиги, Махсус сон. 2019.
8. ЎзМА, И 103. фонд, 1 – рўйхат, 1052 – йиғма жилд, 168 – варақ.
9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган кишлоқ хўжалик экинлари Давлат реестри. Тошкент–2019.
10. ЎзМА, Р-2284-фонд Р.Р.Шредернинг шахсий фонди.
11. <https://lex.uz/docs/-3281715>



УДК: 94(575.1)

Азамат ЭРАЛОВ,
Қарши давлат университети стажёр-тадқиқотчиси,
E-mail:azamat.eralov.95@mail.ru

Тарих ф.ф.д Хосиятов Б.А тақризи асосида

OPPORTUNITIES FOR THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM IN SURKHANDARYA REGION

Abstract

This article describes the prospects for the development of pilgrimage tourism in Surkhandarya region, which is located in southern part of Uzbekistan. The researcher, relying on archival data and written sources, clarified the problem based on the available scientific and historical literature. Conducted a comparative analysis of existing approaches and theories on the prospects for the development of pilgrimage tourism in Surkhandarya region.

Key words: Pilgrimage tourism, infrastructure, historical monuments, shrines, tourists, development, events, opportunities.

ВОЗМОЖНОСТИ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО ТУРИЗМА В СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Аннотация

В данной статье рассказывается о перспективах развития паломнического туризма в Сурхандарьинской области, который является одним из южных регионов Республики Узбекистан. Исследователь, опираясь на архивные данные и письменные источники, внес уточнения в проблему на основе имеющейся научно-исторической литературы. Провел сравнительный анализ существующих подходов и теорий по перспективам развития паломнического туризма в Сурхандарьинской области.

Ключевые слова: паломнический туризм, инфраструктура, исторические памятники, святыни, туристы, развитие, события, возможности.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон республикасининг жанубий ҳудудларидан бири бўлмиш Сурхондарё вилоятида зиёрат туризмининг ривожланиш истиқболлари ҳақида сўз боради. Тадқиқотчи архив маълумотлари ҳамда ёзма манбаларга таяниб, мавжуд илмий-тарихий адабиётлар асосида муаммога аниқликлар киритган. Сурхондарё вилоятида зиёрат туризмининг ривожланиш истиқболлари бўйича мавжуд ўзига хос ёндашувлар ва назарияларни қиёсий таҳлил этган.

Калит сўзлар: Зиёрат туризми, инфратузилма, тарихий обидалар, зиёратгоҳ, муқаддас қадамжолар, сайёҳлар, ривожланиш, чора-тадбирлар, имкониятлар.

Кирриш: Сўнги йилларда маънавият соҳасида миллий мафкурамизни шакллантириш, ёш авлодни маданий меросимиз, бой анъаналаримиз ва умуминсоний кадриятларимизга эҳтиром, улуғ юртимиз ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш масаласининг дастлабки ўринда туриши Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсатнинг нақадар тўғри эканлигини кўрсатиб беради.

Юртбошимиз томонидан ёшлар дунёқарашини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш юзасидан, “динимиз тарихи, буюк алломалар ва азиз-авлиёларимиз меросини ўрганиш ва уларни тарғиб этиш, юртимизни, унинг ўзига хос тарихи, маданияти, улуғ олиму уламоларини, бебаҳо маънавий меросимизни тўлиқ ўрганиш”[1] вазифасининг кун тартибига қўйилиши тадқиқотчилар олдида янги илмий изланишларни бошлаб берди.

- **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили:** Илмий изланувчи олим С.Рўзиев Ўзбекистонда туризмининг ривожлантиришни босқичларга бўлиб, биринчи босқич, 1992 йил Ўзбектуризмининг ташкил этилиши, 1993-1999 йиллар иккинчи босқич туризм тўғрисидаги қонун қабул қилиниши, 2000 йилдан учинчи босқич бошланганини, бунда зиёрат туризми ҳам алоҳида ўрин эгаллашини қайд этиб ўтади[2].

Мазкур босқичларга тўртинчи босқич сифатида 2017 йилдан кейинги туризм соҳасида кенг миқёсидаги давлат эътиборини киритиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бизга маълумки, Ўзбекистонда 7-8 мингдан зиёд тарихий обидалар мавжуд бўлиб, 200 дан ортиғи ЮНЕСКО рўйхатида, ислом маданияти обидаларини

асраб-авайлаш ва тарихий обидаларга бой давлат сифатида Ўзбекистон 9 ўринни эгаллаб турибди[3]. Маданий тарихий аҳамиятга эга бўлган объектлардан 545 таси архитектура, 575 таси тарихий, 1457 таси санъат ва 5500 дан ортиғини археологик объектлар ташкил этади[4].

- **Тадқиқот методологияси.** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам “Туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улуғлини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш, ўрта муддатли истиқболда “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш концепцияси”га асосан, аниқ чора тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш режалаштирилди”[5].

Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги ҳукумат туризм иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири эканлиги, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди[6].

2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сон “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонларида, “Республиканинг туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестицияларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мамлакат бой табиий,

маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш" назарда тутилган[7].

Ушбу тадбирларнинг самарасини Сурхондарё вилоятида кузатадиган бўлсак, вилоятда жами 561 та моддий-маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинди[8]. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 28 октябрдаги №08-1-76 сонли "Буюк муҳаддис Абу Исо Термизийнинг бой илмий-маънавий меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришга доир чора-тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида"ги Қарори ҳамда 2017 йил 14 февралдаги "Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори халқимиз, миллатимиз тарихи ва тараққиётига ҳиссасини қўшган алломаларимизнинг муқаддас руҳларини шод этиб, аллома, фузалолар томонидан яратилган илму фан ютуқлари натижаларини кенгроқ ўрганиш ва ҳаётда фойдаланиш учун муҳим ижобий дастур бўлди.

Сурхондарё вилоятида 2017 йилда таъмирланган объектлар рўйхатида зиёратгоҳ сифатида Денов туманидаги "Саид Оталиқ" архитектура ёдгорлиги Республика бюджетидан 533 млн 500 минг сўм маблағ ажратилди ва ушбу объект таъмирланди. 2018 йилда вилоятда таъмирланган объектлар сифатида Термиз шаҳридаги "Қирқиз" архитектура ёдгорлиги (294 млн сўм маблағ), Жарқўрғон туманидаги "Жарқўрғон минораси" архитектура ёдгорлиги (98 млн сўм маблағ)ни ажратилганини айтиш мумкин. Маданий мерос бошқармасининг бюджет маблағлари ҳисобидан Хожа Алоуддин Аттор ва Мавлоно Муҳаммад Зоҳид макбаралари янгидан қуриб битказилди[9].

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 28 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4038-сон Қарори ижроси юзасидан вилоятда 10 та маданий мерос объектларига сайёҳлар ва маҳаллий аҳолининг кириб-чиқишини электрон ҳисобга олиш учун турникет, ушбу объектларга олиб борувчи йўл кўрсаткичларини ўрнатиб чиқиш режалаштирилган. Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маблағлари ҳисобидан манзилли режа асосида 343 та объектга муҳофаза белгиси ўрнатилди. "Маҳаллий ва хорижий сайёҳлар орасида машҳур музейлар ва моддий-маданий мерос объектларида ташриф буюрувчилар учун 150 та моддий ва археология объектларига йўл кўрсаткич (инглиз, рус ва бошқа тилларда) ўрнатиш ва бепул "Wi-Fi" худудларини ташкил этиш" ишлари амалга оширилди. Маданий қийматга эга бўлган вилоятдаги 561 та маданий мерос объектларининг кадастр ҳужжатлари тўлиқ расмийлаштирилди[10].

- **Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда туристик салоҳиятни ривожлантириш, уларга қулай ва хавфсиз шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 23 ноябрда Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, сайёҳлар оқими юқори бўлган Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида 2018 йил 1 январдан, Сурхондарёда 2019 йил март ойдан хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил қилинди[11].

Ушбу бошқарма хорижий давлат ва халқаро ташкилотлардан ташриф буюрадиган делегацияларни кутиб олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва кузатиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишлари белгилаб берилди[12].

2019 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш бўйича энг асосий вазифалар ва йўналишларни белгилаб берган "Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

да"ги Фармони қабул қилинди[13] ва унинг асосида 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси эълон қилинди[14].

Юртбошимизнинг 2019 йил 13 августдаги "Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосан, туризм соҳасида бир қатор янгиликлар амалга оширилди[15]. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 265-сонли Қарорининг 33-бандида "ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатида киритилган худудларнинг (объектларнинг) шаҳар-созлик нормалари ва қоидалари талаблари махсус ваколатли орган билан келишишлари белгилаб қўйилди. "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди[16]. 2019 йилнинг 1 февралдан 76 мамлакат фуқаролари 30 кунлик муддатга Ўзбекистонга визасиз кириши мумкин бўлади[17].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 265-сонли Қарорининг 12-иловасига мувофиқ, 2020 йил 1 мартга қадар 561 та объектларни муҳофаза қилиш ва сақлаш шартномасини тузиш ҳамда уларга жамоатчи инспекторларни бириктириш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда 404 та жамоатчи инспекторлар бириктирилди.

2020 йил август кунлари Термиз шаҳрида "Ўзбекистон – цивилизациялар чорраҳаси" халқаро археология сайёҳлик форуми бўлиб ўтди. Ушбу тадбир "Ўзбекистон – буюк йўللар ва цивилизациялар чорраҳаси: империялар, динлар ва маданиятлар" мавзусидаги маданий мерос ҳафталиги доирасида ташкил этилиб, унда 80 дан ортиқ мамлакатлардан кўплаб олимлар қатнашди[18].

Сурхондарё вилоятини ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси рўйхатига киритиш учун номзод объектлар (Муҳаммад Хаким Термизий, Зурмала, Султон Содот, Қирққиз саройи, Кокилдор ота ҳонақоси, Фаёзтепа ва Қоратепа буддизм иншооти, Зараутсой қоятош расмлари, Жарқўрғон минора, Оқ остона бобо) рўйхати шакллантирилиб, Маданият вазирлигига юборилди[19].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги "Туризм тармоғини жадал ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-4095 сонли Қарорига кўра, вилоятдаги 8 та туристик объектлар-Жарқўрғон минораси, Шерободдаги Хўжаикон туз ғори, Узун туманидаги Оқ остона бобо макбараси, Олтинсой туманидаги Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ва Хўжаипок зиёратгоҳларига олиб борувчи 59 км йўللар таъмирлаб чиқилди.

2020 йилда Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 апрелдаги ПҚ-4667 сонли ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 апрелдаги 2020-2022 йилларда Сурхондарё вилояти Денов тумани ва унинг марказини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисида"ги 222-сонли қарорлари ижросини таъ-

минлаш мақсадида, вилоят адлия бошқармаси томонидан 2020 йил 22 май куни 294-сон билан Денов туманидаги “Хожа Алоуддин Аттор” жамғармаси ташкил этилиб, унга гувоҳнома олинди. Бугунги вақтда меъморий обидани таъмирлаш бўйича топосёмка тайёрланиб, лойиха ишлари олиб борилиб, ҳомийлик асосида таъмирлан-ди[20].

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги “Вақф” хайрия жамоат фонди Сурхондарё вилоят филиалига бириктирилган зиёратгоҳ ва қадамжоларда 2019-2020 йиллар мобайнида “Такия ота” зиёратгоҳида 260 млн. сўм, “Мавлоно Муҳаммад Зоҳид” зиёратгоҳи 800 млн. сўм, “Хожа Алоуддин Аттор” зиёратгоҳи 850 млн., “Султон Санжар Мозий” зиёратгоҳи 350 млн. сўм, “Оқ остона бобо” зиёратгоҳи 500 млн. сўм маблағ сарфланди. Бундан ташқари, “Такия ота” “Мавлоно Муҳаммад Зоҳид”, “Хожа Алоуддин Аттор”, “Султон Санжар Мозий” ва “Оқ остона бобо” зиёратгоҳида кўшимча иморатлар бунёд этилди. Жорий йилда ҳам халқаро миқёсда пандемия даврини бошидан ўтказган бўлсада, мамлакатимизда ушбу соҳани жаҳон андозалари асосида ривожлантириш ишлари давом этмоқда. Шунингдек, туризм соҳаси билан боғлиқ иқтисодий тармоғида коронавирус пандемияси тарқалиши оқибатида, соҳадаги тадбиркорлик субъектларига

2020 йилда тақдим этилган имтиёз ва преференцияларни 2021 йилда давом эттириш ҳамда уларни жадал қайта тикланишлари учун қулай шароитни яратиш кўзда тутилди.

- Хулоса ва таклифлар. Миллий кадрятларимизнинг бир бўлаги бўлган зиёрат туризми жаҳон миқёсида Ўзбекистон ҳудуди шундай тарихий кадрятлар макони бўлганлигини, ўлкада ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқараётган халқимиз учун буюк келажак барпо этишда, бугунги дунёни янги кўз билан кўриш, уни янги тафаккур билан идрок этиш жараёнларида, улуғ аждодлар мероси билан танишиши лозимлигини англатади. Бугун йўқотилган барча кадрятларни, бой берилган маданий ва маънавий бойликларни қайтадан тўплаш, анъаналарни тиклаш, ўз миллий қиёфаси билан Янги Ўзбекистонни жаҳон халқлари сафидан муносиб ўрин эгаллаши юзасидан олиб борилаётган тадбирлар буюк аждодларимиз қолдирган меросни қайта тиклаш, ўзлимиз, инсоний ҳис-туйғуларимизни, шаънимиз ва ориятимизни ҳимоя қилишга, уни ҳамиша баланд тутишга ва халқаро миқёсда ўз ўрнимизга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқ 2017 йил 10 сентябрь. // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>
<https://president.uz/uz/lists/view/1018>
2. Рўзиёв С.С. Ўзбекистонда маданий туризм бозори ва унинг истиқболлари. Автореф. икт. фан. номз. – Тошкент, 2009. – Б.11-12.
3. Ruziyeva D.I. Ways of development and promoting of cultural tourism in Uzbekistan // *Economics and management: theory and practice: Collection of scientific articles. Vol. 2.* – Verlag SWG imex GmbH, Nürnberg, Deutschland, 2014. – Pp. 99-102.
4. Джалилов О.З. Проблемы и перспективы развития историко-культурного туризма в Узбекистане (1991-2010 гг.) автореф. Дисс. канд ист.наук. – Ташкент, 2011. – Б. 4.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ-4947 Тошкент шаҳри 2017 йил 7 февраль // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил 6-сон.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Туризмни янада ривожлантириш масалалари” бўйича махсус йиғилиши // *Xalq so'zi*. 2017 йил 4 октябрь.
7. Қонунлар ва фармонлар мазмун моҳияти ҳақида батафсил: <https://lex.uz/docs/4474527>, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. 31-сон. 782-модда.
8. Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 21 июнь.
9. Асророва Л. Хожа Муҳаммад Зоҳид. – Тошкент: Ўзб халқаро Ислом академияси, 2020. – Б. 12-13.; Ўша муаллиф. Алоуддин Аттор шахсияти // *Имом Бухорий сабоқлари*. – 2020, 3-сон. – Б. 44-46.
10. Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.
11. Хавфсиз туризмининг таъминлаш бўлинмалари туристларга нисбатан жиноят содир этилишига йўл қўймаган // *uza.uz*. 2019 йил 12 июнь.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид кўшима чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229 – сонли қарори. 2019 йил 6 март. www.lex.uz
13. Халқ сўзи газетаси. – 2019 йил 8 январь, 3-сон.
14. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли фармони. 2019 йил 13 август. www.Lex.uz
16. Ўзбекистон Республикаси маданият вазирилик ҳузуридаги маданий мерос департаменти фаолиятини ташкил этиш ҳамда моддий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишга оид айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида қарори. <https://lex.uz/docs/4262171>
17. Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда Зиёрат туризмининг ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари. Электрон манба: www.tsue.uz. – С. 368-374.
18. Тўраев Қ.Т. Сурхондарё вилоятида ўзга (исломдан ташқари) дин вакиллари учун зиёрат туризмининг ривожлантириш истиқболлари // Ўзбекистонда туризм ва рекреацияни ривожлантиришнинг географик муаммолари ва имкониятлари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Чирчик, 2019. – Б. 220-222.
19. Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 16 апрель.
20. Сурхондарё вилояти Маданий мерос бошқармаси томонидан бажарилган ишлар юзасидан маълумотлар // Сурхондарё вилояти маданий мерос бошқармаси маълумоти. – Термиз шаҳри, 2021 йил 18 июль.